БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ИЮЛ ЧИҚИШИ
№ 65 (1327)
31 МАРТ СЕШАНБА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Етти йилллик план социализмнинг капитализм билан иқтисодий мусобақасида янги босқич очади. Ленин йўлидан бораётган совет халқининг ғоят улкан меҳнати мамлакатимизни шундай юксакликка кўтардики, эндиликда мамлакатимиз Америка Қўшма Штатлари билан иқтисодий соҳада муваффақиятли равишда мусобақа қилиши, бу мусобақада ютиб чиқиши ва етакчи капиталистик давлатни орқада қолдириб кетиши мумкин.

(КПСС XXI съезднинг резолюциясидан).

ДЕПУТАТ—ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИ

Иттифоқчи ва автоном республика Олий Советларига ва маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловларда Советларга 1 миллион 800 мингдан зиёд депутат — партия иши учун, коммунизм ғалабаси учун актив курашчи шаҳар ва қишлоқларнинг илғор кишилари сайланди.

Советларга келган халқ вакиллари ўзларининг депутатлик фаолиятларини янги тарихий давр—мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш, етти йилликнинг биринчи йили — 1959 йил давлат планларини тўла ва ошириб бажариш учун курашга отланган бир давр билан боғлаб юбордилар.

Коммунизм қурувчилар съезднинг қарорлари Советлар фаолиятининг буюк программасидир. Съезд Советларнинг мамлакатимиз ўз тараққиётида янги даврга — коммунизм қуришни кенг авж олдириш даврига кирган ҳозирги кундаги вазифаларини ва ролини аниқ белгилаб берди. КПСС XXI съезди социалистик давлатни ривожлантиришдаги ҳозирги асосий йўл — демократияни бутун чоралар билан авж олдириш, мамлакатнинг ҳамма ишларини бошқаришга аҳолининг жуда кенг табақаларини тортиш, уларни хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишга кенг равишда қатнаштиришдан иборат эканлигини кўрсатиб берди.

Ана шундай бир шароитда меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилоти бўлган Советларнинг халқ хўжалигининг барча соҳаларига раҳбарлик қилишдаги роли ошади. Советлардаги халқ вакиллари, халқнинг ўзидан чиққан, унинг иродаси, истак-орзуларини ифода этадиган депутатларнинг роли ҳар қачонгидан ҳам юқори кўтарилади.

Меҳнаткашлар ўзларининг энг яхши фарзандларини Советларга сайлаётганларида, яъни коммунистлар билан партиясизлар блокига овоз бераётганларида уларга турли наказлар бердилар, талаб ва эҳтиёжларини рўй-рост айтдилар. Улардан партиямизнинг доно сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш учун курашувчи, ташаббускор, сергир, меҳрибон ва камтар бўлишни талаб қилдилар. Халқ вакилларидан ташкил топган Советларнинг фаолияти депутатларнинг ишчанлик ва ташкилотчилик қобилиятлари, уларнинг сайловчилар наказини қай даражада бажараётганликлари билан ўлчанади.

Бу галги сайловларда шаҳар, район ва қишлоқ Советлари составига ишчилар, колхозчилардан кўп вакил сайланди, бу Советларга кенг меҳнаткашлар оммаси билан алоқасини янада мустаҳкамлаш имкониятини беради. Тошкент шаҳар ва район Советларининг яқинда бўлиб ўтган сессияларининг якунлари буни яққол кўрсатди — шаҳар ва район ижроия комитетлари аъзолигига ва доимий комиссиялар составига ишлаб чиқаришда бевосита ишлаб турган кўпгина депутатлар сайландилар. Улар Советларнинг барча ишларида актив иштирок этмоқдалар.

«Узбексельмаш» заводининг цех бошлиғи А. Шобурхонов, «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг илғор ишчиси И. Беляев ўртоқлар Киров район ижроия комитети аъзолигига сайланганлар. Шунингдек «Таштрансмаш» заводининг илғор ишчиси Р. Саидова, 4-босмахона ишчиси Т. Мирзаева, «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг бригада бошлиғи Р. Рўзиева каби депутатлар район Советининг савдо комиссиясида аъзо бўлиб, аҳолига савдо хизматини яхшилашда район Советига яқиндан ёрдам беришга актив киришмоқдалар.

Тошкент область Советининг депутати ўқитувчи ўртоқ Ряжева Сирдарё районида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш ва район коммунал хўжалиги ишидаги камчиликларни очиб ташлашда ҳамда бу камчиликларни бартараф қилишда, шунингдек меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини ҳал этишда бирмунча ишлар қилди.

Советларга кўпгина янги кишилар — сергайрат, серташаббус, ишлаб чиқариш ва жамоат ишларида чиниққан, бой тажриба орттирган кишилар келди. Бу жуда ҳам катта халқ кучидир.

«Бизнинг мамлакатимизда, — деган эди ўртоқ Н. С. Хрушчев Москва шаҳар Калинин сайлов округи сайловчиларининг 1959 йил 24 февралдаги сайловолди йиғилишида сўзлаган нутқида, — депутат халқнинг иродасини бажариши, унинг манфаатларини ифодалаши лозим. Советлар депутатларининг кучи шундаки, улар халқ билан чамбарчас боғланиб ишлайдилар. Зотан Советлар депутатларининг ўзлари ҳам ишчилар, колхозчилар, хизматчилар, олимлар, адабиёт ва санъат арбобларидирлар. Улар халқнинг пушти камаридан бўлган кишилардирлар».

Депутат — халқ хизматкоридир. Меҳнаткашларнинг барча ҳаётий масалалари — халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш, мактаб-интернатлар, болалар боғчалари ва яслилари, уй-жой қурилиши, шаҳар ва қишлоқларни обод қилиш ишлари билан, умумий овқатланиш корхоналари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари очиш ишлари билан шуғулланиш, бу масалаларни ҳал қилишда Советларга ва уларнинг ижроия комитетларига яқиндан ёрдам бериш ҳар бир совет депутатининг муқаддас бурчидир. Хуллас депутат мамлакат ижтимоий ҳаётининг ҳамма соҳаларида актив курашчи, жангговар ташкилотчи бўлмоғи керак.

Совет депутати халқ хўжалигининг барча соҳаларида ўзининг илғорлиги, янгиликка интилувчанлиги билан бошқаларга намуна бўлмоғи лозим. Шунинг билан бирга депутат коммунистчасига ишлаш ва яшаш принципларини, прогрессив иш методларини тарғиб этувчи оташин агитатор бўлиши керак.

Депутат, у давлат арбоби сифатида меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига эътиборлик билан қулоқ солиши, ҳар бир ариза ва шикоятнинг ўз вақтида адолатли ҳал қилинишига эришмоғи, кишиларнинг талаб ва эҳтиёжига, инсон қадрига бефарқ қаровчи, уларни сарсон қилиб қўювчи бюрократларга, маншатпарастликка берилиб кетувчи кишиларга қарши кескин курашмоғи, ишда рўй берган камчиликларни рўй-рост очиб ташлаши, дадил танқид қилиши керак.

Депутат халқ вакили сифатида сайловчиларнинг наказларини бажариш ва қилган ишларидан, Советларнинг фаолиятидан халқ олдида ҳисоб беришни ўзининг муқаддас бурчи эканлигини доимо эсда тутмоғи зарур. Советларнинг депутатлари ўз сайловчиларининг контроллиги остида турганликларини, уларнинг депутатлик фаолияти сайлов олди кампанияси вақтида гапирган сўзлари билангина белгиланмасдан, балки конкрет ишлари билан ҳам белгиланишини асло унутмасликлари керак.

Партия ташкилотларининг олдида турган муҳим вазифа — депутатларнинг фаолиятини тўғри йўлга солиб туриш, совет қонунларини, оммавий-ташкилий ишларнинг шакл ва усулларини билиб олишда, сайловчилар томонидан берилган наказларни бажаришда, шунингдек депутатлик билан боғлиқ бўлган бошқа ишларда депутатларга ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат.

Депутат халқ хизматкори сифатида халққа қанча сидқидиллик билан хизмат қилса, қанча кўп халқ манфаатини кўзлаб иш тутса халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида Коммунистик партия томонидан қўйилган улуғвор вазифалар шунчалик муваффақиятли амалга оширилади, социалистик она-Ватанимиз янада гуллаб-яшнайди, турмушимиз бундан ҳам фаровон бўлади.

Н. С. ХРУШЧЕВ АМЕРИКАЛИК ФЕРМЕР Р. ГАРСТИН ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СОЧИ, 28 март. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган американ фермер, маккажўхори гибрид уруғларини етиштириш компаниясининг раҳбари Р. Гарстин қабул қилди ва у билан қишлоқ хўжалигининг ҳар хил масалалари тўғрисида суҳбатлашди.

Суҳбатда СССР қишлоқ хўжалиги министри В. В. Мацкевич қатнашди.

Суҳбатдан кейин Н. С. Хрушчев Р. Гарстин ва унинг рафиқасини ўзи билан бирга овқатланишга таклиф этди.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИ ДАВЛАТГА СУТ СОТИШ КВАРТАЛ ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРДИЛАР

КПСС XXI съезднинг тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашаётган Тошкент областининг колхоз ва совхозлари давлатга сут сотиш бўйича биринчи квартал планини муддатидан илгари — 29 марта 100,3 процент қилиб бажардилар.

Бу йил тайёрлов пунктларига ўтган йилнинг биринчи кварталига қараганда 9.210 центнер кўп сут топширилди.

Областда давлатга тери, қоракўл ва мўйна сотиш юзасидан берилган топшириқ ҳам бажарилди.

Давлатга сут сотиш давом этмоқда.

Чигит экишни агротехника қоидаларига амал қилиб, қисқа муддатда ўтказиш учун барча тадбирларни амалга оширайлик!

Яқинда область партия комитети ва область ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига моҳирлик билан раҳбарлик қилаётган колхоз раислари, бригада бошлиқлари, агрономлар, механизаторлар ва тажрибакор пахтакорлар билан маслаҳат кенгаши ўтказдилар. Кенгаш қатнашчилари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, колхоз ишлаб чиқаришига раҳбарликни янада яхшилаш, чигит экишга тайёргарликнинг бориши ва бу ишни агротехника қоидаларига амал қилиб, қисқа муддатда ўтказиш юзасидан фикр олишдилар.

Эркин фикр олишиш ва тажрибалар билан ўртоқлашиш мақсадида чақирилган бу кенгашда Янгийўл районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов, шу райондаги Сталин номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ортиқов, Оржоникидзе районидаги «Қизил Узбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдужамил Матқобулов, Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдиқодир Шукуралиев, Урта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг раиси Эсонбой Усмонов, Верхне-волинск районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг раиси Яков Николаевич Пискорский, шу райондаги Куйбишев номли колхознинг бригада бошлиғи Ҳакимжон Рустамов, Мирзачўл районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси Ислом Тешабоев, Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг раиси Абдиназар Турдиев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Кенгашда область ижроия комитетининг раиси Ҳ. Жалилов ва область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Б. Г. Мирзабеков ўртоқлар ҳам сўзладилар. Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. F. Ғуломов кенгаш ишига якун ясаб, КПСС XXI съезди қарорлари муносабати билан амалга оширилиши зарур бўлган энг муҳим вазифаларга тўхталиб ўтди.

Қуйида биз кенгашда сўзга чиққан баъзи бир ўртоқларнинг сўзларини қисқартириб босаётирмиз.

Уруғлик чигитни танлаб ва саралаб экайлик

(Ўртоқ Ҳ. ТУРСУНҚУЛОВ сўзидан)

Биз чигит экишни бошлаш арафасида турибмиз. Шунинг учун ҳам вақтнинг қадрига етиб, тайёргарлигимизни кучайтиришимиз керак. Мен мўл ҳосил етиштириш юзасидан олган мажбуриятимизнинг бажарилишини таъминлайдиган зарур омилларидан бири чигитни танлаш ва экишга тайёрлаш ҳақида гапирмоқчиман.

Маълумки, ўтган йили кўп жойларда пахта ҳом терилди, чигит яхши пишмади, совуқ уриб кетиши натижасида пуч бўлиб қолди. Шунинг учун областимизнинг чигитини танлаб экайлик. Халқимизда етти ўлчаб бир кес, деган доно мақол бор. Демоқчиманки, ҳар қандай уруғлик чигитни ҳам, бизга теккани шу экан-да, деб эканерслик керак. Уруғлик чигит танлашда сал бўлса ҳам адашсак. мўлжалдаги ҳосилимизни ололмаслигимиз мумкин, негаки, тўқ бўлмаган, соғлом бўлмаган чигитнинг ғўзаси ҳам нимжон бўлади, ҳосили кам бўлади. Ҳозир ҳамма колхозларда уруғлик чигит танланиб, экишга тайёрланяпти. Шунинг учун мўл ҳосил етиштиришнинг дастлабки шарти сифатида уруғлик чигитни яхши танлайлик. Бу масалада бизга агрономлар, мутахассисларнинг ёрдами керак. Улар колхоз ва совхозларга юборилган уруғлик чигитларни обдон текшириб сарагини-саракка, пучагини-пучакка ажратиб беришлари лозим.

Бу ерда сўзга чиққан ўртоқлар, бизда пахтани машинада теришга эътибор берилмаётганлигини айтиб ўтишди. Жуда тўғри гап. Баъзи бировлар айтганидек, машинада айб йўқ, ҳамма айб ўзимизда, пахтани яхши етилтирмасдан уни машинада термоқчи бўламиз. Пахтами, мевами, ҳар бир нарса ҳам пишганида ширин бўлади. Биз агар чигит ерга ташланганидан бошлаб, пахтасини машинада териб олиш ниятида меҳнат қилсак, пахта қийғос очилиб, пишгандагина уни машинада теришга киришсак, ҳамма ерда ҳам иш юришиб кетади.

Мутахассислар колхозга амалий ёрдам берсинлар

Ўртоқ А. ШУКУРАЛИЕВ сўзидан)

Агар галлачилик, чорвачилик, боғдорчилик, паррандачилик ва сабзавотчилигимизни ҳисобга олмаганда, фақат чигит экадиган еримизнинг ўзи 2800 гектарни ташкил қилади. 108 та тракторимиз, 40 та автомашинамиз бор. Хўжалигимиз катта. Шундай катта хўжаликка битта раиснинг ўзи тўла раҳбарлик қила оладими, ахир. Шунинг учун биз областдан, райондан келадиган ҳар хил мутахассисларнинг ёрдамига муҳтожмиз. Лекин шуни айтиш керакки, колхозлар йириклашган сари мутахассисларнинг бевосита раҳбарлиги, ёрдами камайиб кетяпти. МТСлар илгаридаги колхозларга ўз агрономлари, инженерлари, механизаторларини юбориб, тез-тез ёрдам берардилар. МТС РТСга айлангандан буён бундай ёрдамлар йўқ бўлиб кетди. Ҳамма иш колхознинг ўзига тоширириб қўйилди. Уят бўлса ҳам айтиш керак, РТС ташкил бўлгандан бери ундан олган ёрдамимиз тўртта баллон бўлди, холос. Ҳозирги пайтда ҳам баллон етишмайди. Шу туфайли 20 га якин автомашинамиз тўхтаб ётибди. РТСлар колхозларни запас қисмлар билан таъминлашга эндиликда ҳар қачонгидан ҳам яхши аҳамият беришлари талаб қилинади.

Бу ерда баъзи ўртоқлар нима учун машинада пахта териш плани бажарилмайди, деган саволга ғўзаларимиз ўсиқ бўлади, машина юролмай қолади, деб жавоб беришди. Бу масалада Ҳамроқул ака жуда ҳақ гапни айтди. Отнинг жилови ўз қўлимизда. Ҳамма нарса ҳам ўзимизга боғлиқ. Агар ғўзани пахтасини машинада териб олишга мослаштириб парваришлаб қилсак, вақтида суғориб, парваришлаб, говлаб кетишига йўл қўймасак, кейинчалик албатта бундай ерларнинг пахтасини машина билан бемалол териш мумкин бўлади. Қачонгача шаҳарлик биродарларимизни ишдан қолдириб, овора қиламиз.

Биз бу йил машина билан пахта териш планини сўзсиз бажариш учун ҳамма тадбирларни кўрамиз.

Ғўзани бир марта ягана қилиш керак

(Ўртоқ А. ОРТИҚОВ сўзидан)

Мен ўртоқ Пискорскийнинг алмашлаб экишни тўла жорий этиш тўғрисидаги гапига қўшиламан. Бу муҳим тадбирни амалга оширмай туриб, ерларимиздан муттасил мўл ҳосил олиб бўлмайди.

Узоқ вақтлардан бери чигит экиб келаётганимиз учун ерларимиз кам қувват бўлиб қолган. Натижада ғўзаларимиз кечикиб шоналайди. Бунинг олдини олиш учун ерларни ҳозирдан бошлаб ўғитлашимиз лозим.

Деҳқончиликда юқоридан бўладиган нотўғри кўрсатмаларга чек қўйиш керак.

Бир ерда узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган деҳқон нима иш қилишини ўзи яхши билади. Шунга қарамай баъзан деҳқонни ўз тажрибасига асосланиб иш қилишига йўл берилмайди. Ўтган йили биз ҳар қайси уяда 2-3 тадан кўчат қолдириб, ягана қила бошлаган эдик. Бироқ юқоридаги ўртоқлар бу нотўғри, ҳар қайси уяда 2-3 тадан эмас, 4-5 тадан кўчат қолдириш керак, деб буйруқ бердилар. Ҳаво тузук бўлса, кейин қўшимча ягана қилинади, дейишди. Ғўза ўсиб кўзга кўринио қолгандан кейин уни, албатта, юлиб ташлашга ҳеч кимнинг кўзи қиймайди. Шу туфайли ғўзаларимиз қалин бўлиб, эркин ривожлана олмади. Ҳар уяда 2-3 тадан кўчат қолдирилган ерлардан кўпроқ, 4-5 тадан кўчат қолдирилган ерлардан эса кам ҳосил олдик.

Шунинг учун мен ғўза ҳар қайси ернинг шароитига қараб бир марта сифатли ягана қилиниши керак, деб ҳисоблайман.

Алмашлаб экиш—ҳосилни оширишнинг муҳим шарти

(Ўртоқ Я. Н. ПИСКОРСКИЙ сўзидан)

Алмашлаб экиш пахта ялпи ҳосилини оширишда муҳим шартдир.

Лекин очиғини айтиш керак, бизда пахта ва бедани алмашлаб экишга етарли аҳамият берилмайди. Кўп йиллаб бир далага нуқул пахта экилаверади, натижада ернинг жири камайиб кетади, қишлоқ хўжалик зараркунандалари, ҳашоратларнинг тарқалиши учун шароит туғилади. Колхозимизда ҳосилнинг пасайиб кетишига сабаб бўлаётган нарса ҳам шу деб ҳисоблайман. Ўтган йили бизда ҳар гектар ердан 22 центнердан ҳосил олинди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, район партия ва район ижроия комитетлари бўз ва партов ерларни кенгайтириш ҳисобига колхозларда алмашлаб экишни яхши йўлга қўйиш тўғрисида чинакамига ғамхўрлик қилмайдилар. Беда майдонларини кенгайтириш уёқда турсин, ҳатто камайтириш тўғрисида топшириқ берадилар, бу билан иш битадими, ахир. Беда алмашлаб экишни жорий қилишдан биз икки нарсани ютамиз: еримизнинг ҳосилдорлиги ошади, семиради. Иккинчидан, ем-хашагимиз мўл бўлади. Ҳозир бизда 300 гектар беда бор. Бу беданинг ҳосили майга бориб тамом бўлади. Шунинг учун ҳам биз беда майдонларини кенгайтиришимиз керак.

Вазифа шуки, ҳар бир колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришида беда алмашлаб экиш қатъий жорий қилинсин.

Далачилик бригадаларининг ҳуқуқи ва обрўсини оширайлик

(Ўртоқ А. МАТҚОБУЛОВ сўзидан)



Биз шуни унутмаслигимиз керакки, эндиликда бригадалар йирик ишлаб чиқариш коллективи бўлиб қолдилар. Улар колхоз ва совхозлар олдига қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини ҳал қиладилар. Боқиқача сўз билан айтганда, илгариги колхоз ҳозир бригада бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам далачилик бригадаларига раҳбарликни кучайтириш билан бирга уларнинг ҳуқуқини ошириш керак. Раиснинг ўзи ҳамма нарсани билавермайди. Ҳар қайси бригаданинг иш шароити алоҳида бўлади. Колхоз раислари, совхоз директорлари бригадирлардан у ёки бу нарсани талаб қилганларида ана шу шароитни ҳисобга олишлари, улар билан ҳамма вақт маслаҳатлашиб иш олиб боришлари лозим.

Трактор-далачилик бригадалари ҳақиқатан ҳам меҳнатни ташкил қилишнинг янги формаси экан. Биз буни ўтган йили тажрибада синаб кўрдик. Натижа ёмон бўлмади. Оддий далачилик бригадаларига қанча одам биркитсангиз ҳам йўқ дейишмайди. Трактор-далачилик бригадасининг яхши хусусияти шуки, унинг бригадири менга кўп одам керак эмас, биз кўпроқ механизм билан ишлаймиз, пахтани ҳам машинада терамиз, дейди.

Ғўзани эрта муддатларда озиқлантирайлик

(Ўртоқ А. ТУРДИЕВ сўзидан)

Пахта ҳосилининг эрта пишиб етилишини таъминлаш бизнинг шароитда алоҳида аҳамиятга эга. Бу иш кўп жиҳатдан чигит экишни барвақт ўтказиш, яганани сифатли қилиш, ғўзани барвақт ўғитлаш ва уни барча агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда парвариш қилишимизга боғлиқ.

Ерга ўғит солиш, озиқлантириш масаласида ҳам баъзибир чалкашликлар бор. Бир хил мутахассислар ерга бороналанганидан кейин ўғит солишни тавсия қиладилар. Менимча бу нотўғри, сабабки, ерга боронадан кейин ўғит солинса, у тупроққа яхши аралашмай, юзада қолади. Бунинг фойдаси кам. Ерга чизеллангандан кейин ўғит солинса, фойдаси кўп бўлади.

Ҳозир колхозлардаги мавжуд ўғитловчи машиналар талабга жавоб бермайди. Айниқса, ёнингарчилик кўп бўлган ҳозирги кунларда бу машиналар билан ерга кўнгилдагидек ўғит солиш мушкул. Бу жиҳатдан Ўрта Осиё тажриба-машина синаш станциясида ишлатилаётган ўғитлаш машинаси диққатга сазовордир. Шундай машиналарни кўпайтириб, ҳамма колхозларни таъминлаш керак.

Бу ердаги ўртоқларнинг ҳаммаси ўғитни ерга эртароқ солишни, ғўзани барвақт озиқлантириш кераклигини маъқуллашди. Жуда тўғри. Лекин бизда қўшимча ўғит деган гап ҳам бор. Бу ўғит кўпинча вақт ўтгандан кейин, июль ойининг охирларига бориб, баъзан эса августларда ҳам солинади. Ҳаддан ташқари кечикиб солинган ўғит ғўзани ғовлатиб юборишини кўрдик. Шунинг учун бу аҳволга чек қўйиш керак. Ғўзани мумкин қадар эрта муддатларда озиқлантириш мақсадга мувофиқдир.

Квадрат-уялаб чигит экишда, ишчи кучларини тежашда, аниқ квадрат ҳосил қилишда сим бўшатувчи қозиқнинг қулайлиги кўп экан. Лекин бизга фақатгина бешта сим бўшатувчи қозиқ берилди. Бу етишмайди. Агар сим бўшатувчи қозиқлар бизга кўпроқ берилса, биз ҳамма еримизга квадрат-уялаб чигит экамиз.

Квадрат—мўл ҳосил гарови

(Ўртоқ Ҳ. РУСТАМОВ сўзидан)



Мен тўққиз йилдан бери бригадир бўлиб ишлайман. Дастлабки йили ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилимиз 16-18 центнердан ошмас эди. Меҳнат қилиб, ҳосилни ошира бордик. Квадрат чиқиб, жонимизга ора кирди. Бизнинг бригадада уч йилдан бери чигитни режа сими тортиб, экиб келмоқдамиз. Бунинг натижасида 50 центнергача етказиб ҳосил олган вақтимиз ҳам бўлди. Лекин колхозимиздаги айрим бригадаларда чигитни режалаб экишга эътибор берилмайди. Шунинг учун ҳам ҳосил кам бўлади.

Ерга ер қўшган деҳқон ҳосилни кўпайтиради. Бригадаларимиз аъзолари ота-боболаримизнинг бу ҳикматли мақолига амал қилиб, иш олиб борадилар. 8 йил давомида 220 гектар ерни ўзлаштирдик. Техника кучига суяниб иш олиб борганлигимиз туфайли ҳам планни бажармаган йилимиз йўқ. Ўтган йили ҳамма бригадалар планни бажармаган тақдирда ҳам, бизнинг бригадада план бажарилди. Бироқ колхозда план тўлмай қолди. Блтта-иккита бригада планни бажариб, колхоз бажармагандан кейин манфаат кам бўлар экан.

Бизнинг бригадада бу йил 92 гектар ерга чигит экилади. Ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил топширишга аҳд қилганмиз. Еримизнинг 12 гектари янги ўзлаштирилган, шуниси қизиқки, бу ерга бизнинг ихтиёримизга топширилмасдан олдин маккажўхори экилганида бирон центнер ҳам ҳосил олинмаган эди. Биз бу янги ернинг шудгор қилиб шўрини ювдик, ҳозир бу ер бўрсиллаб турибди. Албатта бу ердан ҳам мўл ҳосил оламиз.

Бизнинг еримизнинг шароити анча оғир, захкаш. Ҳозир ерларимизда ўрдак сузаяпти. Ариқ-зовурларни кўпайтириш ўрнига, афсуснки, борлари ҳам кўмиб юборилди. Шунинг учун мен айтмоқчиманки, бизнинг шароитда катта-катта коллектор ва зовурлар қазиб, ернинг захини қочириш

КПСС XXI СЪЕЗДИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎРГАНУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

Илҳомбахш режалар — буюк истиқбол,

Халқ хўжалиги асосларининг асоси

ЧЎЯН

Чўян мамлакатимизнинг индустриал ривожланиши, иқтисодий ва ҳарбий қудратининг асосий негизидир.

1913 йили чор Россияси 4 миллион тоннадан сал кўпроқ чўян эритган эди. **Совет ҳокимияти йилларида эса, чўян эритиш қарийб 9 марта ўсди.** Агар Россия 1913 йили Англия ва Франсияга қараганда 2,5 баравар кам чўян эритган бўлса, **ҳозир биз Англия, Франция ва Бельгияни бирга қўшиб ҳисоблаганда уларга қараганда ҳам кўпроқ чўян эритмоқдамиз.**

КПСС XXI съезди томонидан тасдиқланган етти йиллик планнинг контроль рақамларида чўян эритишнинг ўртача йиллик ўсиши 1952-1958 йиллардаги 2,5 миллион тонна ўрнига **3,6-4,4 миллион тоннага етказилиши кўрсатилган.**

Коммунистик қурилишни кенг авж олдиришнинг улуғвор программасини белгилаб берган етти йиллик планнинг охирига бориб, **СССР 65-70 миллион тонна** ёки 1958 йилдагидан 64-77 процент кўпроқ чўян эритади.

ПЎЛАТ

Пўлат канча кўп ишлаб чиқарилса мамлакат шунчалик қудратли бўлади.

1913 йили Россияда ҳаммаси бўлиб, 4,2 миллион тонна пўлат эритилган бўлса, **1958 йилга келиб, 55 миллион тонна пўлат эритилди. СССР пўлат ишлаб чиқариш жиҳатидан Европада биринчи ва дунёда иккинчи ўринда.** Пўлат эритиш суръати жиҳатидан эса биз дунёда ҳамма мамлакатлардан ўзиб кетдик.

Етти йиллик планда пўлат эритишни 86-91 миллион тоннага етказиш вазифаси қўйилди. 1959-1965 йилларда пўлат эритишнинг ўртача йиллик ўсиши 1952-1958 йиллардаги 3,4 миллион тонна ўрнига 4,4-5,1 миллион тоннага кўпаяди. Етти йилликнинг охирига бориб. СССР пўлат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми жиҳатидан ҳам АҚШга етиб олади.

Республикамизда шу етти йилликда пўлат ишлаб чиқариш 1,2 баравар кўпаяди ва областимизда ҳам анча ривожланади.

ПРОКАТ

Прокат ишлаб чиқариш Совет ҳокимияти йилларида 11,5 баравар кўпайди. Шу вақт ичида қора металл прокат ишлаб чиқариш АҚШда 3,1, Англияда 2,7 ва Франсияда 2,3 бараваргина кўпайди.

Ҳозир ново-крамоторск заводининг коллективи янги гигант агрегат—тунукани узлуксиз прокат қиладиган «2500» маркали тўла механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган станки тайёрлаб бўлай деб қолди. Бу агрегат бир йилда чор Россиясида 1913 йилда тайёрланган қора металл прокатининг ҳаммасига тенг чиқдорда маҳсулот беради.

Етти йиллик планнинг контроль рақамларида прокат ишлаб чиқаришни 65-70 миллион тоннага етказиш кўзда тутилади. 1965 йилга келиб, қора металл прокатини ишлаб чиқариш ҳажми ҳозир Англия ва Ғарбий Германияда ишлаб чиқарилаётган бутун прокат ҳажмидан икки баравар кўп бўлади ва АҚШдаги прокат ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражасига деярли етиб олади.

Етти йил ичида республикамизда прокат ишлаб чиқариш 1,4 баравар кўпайтирилади. Областимизда прокат ишлаб чиқариш янада ривожлантирилади.

ТЕМИР РУДАСИ

Совет ҳокимияти йилларида СССР да темир руداси қазиб чиқариш 9 баравардан зиёдроқ кўпайди.

Ҳозир мамлакатимизда топилган темир руда запаслари 35 миллиард тоннадан кўп. Бу эса бутун дунёдаги ҳамма темир руда запасларининг 40 процентини ташкил қилади. Мамлакатимизда қазиб чиқарилаётган темир руда Англия, Ғарбий Германия ва Франсияни бирга қўшиб ҳисоблаганда улардагидан кўпдир. Ҳозир СССР темир руда қазиб чиқариш жиҳатидан Европада биринчи ва дунёда иккинчи ўринга чиқди.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамларида **етти йилликнинг охирида 150-160 миллион тонна товар темир рудаси** (230-245 тонна хомашё) қазиб чиқариш кўзда тутилган. Етти йиллик мобайнида темир руда қазиб чиқариш ҳар йили ўрта ҳисобда 9-10,3 миллион тоннадан кўпаяди, 1952-1958 йилларда темир руда қазиб чиқариш йилига ўрта ҳисобда 6,2 миллион тоннадан кўпайган эди. 1965 йилга бориб СССР темир руда қазиб чиқариш жиҳатидан АҚШдаги ҳозирги даражадан анча ўзиб кетади. Бепоён мамлакатимизнинг ҳамма асосий иқтисодий, географик районларида топилган бой темир руда ҳавзалари ва конлари бу вазифани шараф билан бажариш имконини беради.

Етти йил мобайнида республикамизда ва областимизда мамлакатимизнинг бу энг зарур бойлигини қазиб чиқариш янада кўпаяди.

ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ

Электр қуввати ҳосил қилиш 1958 йилга келиб, 1913 йилга нисбатан 124 бараварга кўпайди. Коммунистик партия Ленининг мамлакатни электрлаш тўғрисидаги кўрсатмасини оғишмай амалга ошириб келди ва келмоқда. Мамлакатда 1920 йили 0,5 миллиард, 1928 йили 5 миллиард, 1940 йили 48,3 миллиард, 1945 йили 43,3 миллиард киловатт электр қуввати ҳосил қилинган бўлса, 1958 йили 233 миллиард киловаттга етди. Ҳозир бизнинг мамлакатимизда ҳар уч кунда чор Россиясида бир йилда ишлаб чиқарилган электр қувватига тенг келадиган миқдорда электр қуввати ҳосил қилинмоқда.

Етти йиллик Ленининг мамлакатни ёппасига электрлаштириш ҳақидаги ғоясини амалга оширишда ҳал қилувчи босқич бўлади. **1965 йилда мамлакатда ҳосил қилинадиган электр қуввати 500-520 миллиард киловатт-соатга етади.**

1965 йилга келиб, республикамизда 11775 миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилинади.

Областимиз энергетика саноати кенг қўламда ривожлантирилади. Арзон маҳаллий ёқилғи билан ишлайдиган Оҳангарон ГРЭСи тўла қувват билан ишлай бошлайди.

ҚУМИР

Кўмир қазиб чиқариш Совет ҳокимияти йилларида мисли кўрилмаган даражада ривожлантирилди. Чор Россияси кўмир қазиб чиқариш жиҳатидан дунёда олтинчи ўринда турар эди. 1913 йили Россияда ҳаммаси бўлиб 29,1 миллион тонна кўмир қазиб чиқарилган бўлиб, бу асосан Донец ҳавзасидан олинган эди.

1958 йилга келиб 496 миллион тонна кўмир қазиб чиқарилди. Бу 1913 йилдагига нисбатан 16 баравар кўпдир. Ҳозирги вақтда СССР Англия ва Франсияни бирга қўшиб олганда уларда қазиб чиқарилаётган кўмирга қараганда ҳам кўпроқ чиқармоқда. Кейинги йилларда СССР кўмир қазиб чиқаришнинг ўсиш суръатлари жиҳатидангина эмас, шу билан бирга ҳар йилги абсолют ўсиш жиҳатидан ҳам АҚШдан ўзиб кетди. **Етти йилликнинг охирига келиб, мамлакатимизда 600-612 миллион тонна кўмир қазиб чиқарилади.**

1965 йилда республикамизда 1958 йилдагидан 1,7 баравар кўп кўмир қазиб чиқарилади. Областимизда Оҳангарон кўмир ҳавзасида янги корхоналар ишга туширилади. 1965 йилга бориб бу ерда 5,7 миллион тонна кўмир қазиб чиқарилади.

НЕФТЬ

Нефть ҳозирги замон халқ хўжалиги ва кишилик ҳаётида муҳим ўрин тутади. Чор Россиясида 1913 йили 9,2 миллион тонна нефть ишлаб чиқарилган бўлса, 1958 йили 113 миллион тонна нефть ишлаб чиқарилди.

12 ой мобайнида (1957 йилнинг сентябридан 1958 йил август ойигача) ундан илгариги 12 ойлик даврдагига нисбатан нефть чиқариш АҚШда 32 миллион тонна камайди, СССРда эса 15,6 миллион тонна кўпайди.

1965 йилда нефть чиқаришни 230-240 миллион тоннага етказиш ёки 1958 йилдагига нисбатан икки баравардан зиёд кўпайтириш кўзда тутилади.

Республикамизда нефть чиқариш 1965 йилга борганда 1958 йилга нисбатан 2-3 баравар кўпаяди. Шу йиллар ичида катта нефть тозалаш заводи қуриб битказилади. Бу завод ҳозир ишлаб турган нефть тозалаш заводи билан бирга Ўзбекистонда ва Қирғизистонда чиқарилаётган ҳамма нефтни қайта ишлаб бера олади.

ГАЗ

Газ саноати халқ хўжалигимизнинг энг ёш тармоғи бўлиб, улуғ Ватан уруши йилларида вужудга келди ва қисқа вақт ичида жадал суръатлар билан ривожланди. Мамлакатимизда газ чиқариш 1952-1958 йиллар мобайнида тўрт бараварга кўпайди, яъни 7,4 миллиард кубометрдан 30 миллиард кубометрга етди.

1965 йилда мамлакатимизда газ чиқаришни 150 миллиард кубометрга етказиш, яъни 1958 йилдагига нисбатан тахминан беш баравар кўпайтириш кўзда тутилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон республикаси территориясида очилган жуда катта газ запаслари мамлакатимизда газ саноатини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. **Республикада 1958 йилда 172 миллион кубометр газ чиқарилган бўлса, 1955 йилда унинг ҳажмини йилига 18,3 миллиард кубометрга етказиш, яъни газ чиқаришни 106 баравар кўпайтириш кўзда тутилади.** Бу эса фақат ўзимизнинг республикамизни эмас, балки Урал ва Ўрта Осиё республикалари саноат районларини ҳам газ билан таъминлаш имконини беради.

В. И. Ленин номидаги Узбекистон металлургия заводи прокат цехининг ўртоқ С. Нуриддинов бошчилигидаги бригадаси аъзолари меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар Шунинг учун ҳам бригада корхонада биринчи бўлиб коммунистик меҳнат бригадаси номини олишга муяссар бўлди Суратда: ўртоқ С. Нуриддинов (чапдан учинчи), прокатчилардан Х. Хромов, Ю. Баденков, Ш. Файзуллаев, И. Чуванов ва Н. Борисов ўртоқлар билан бирга. В. Салов фотоси.

Меҳнат унумдорлиги

Меҳнат унумдорлигини оширмасдан коммунизмга узил-кесил ўтиб бўлмайди. **Етти йиллик мобайнида саноатда меҳнат унумдорлиги ишлаб турган бир киши ҳисобига 45-50 процент, қурилишда 60-65 процент оширилади.** Бунга фан, техника ва илгор тажриба ютуқларини кенг жорий қилиш. ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш, корхоналарни реконструкция қилиш ҳамда ишлаб турган машина-ускуналарни модернизация қилиш йўли билан эришилади. Етти йил ичида меҳнат унумдорлиги колхозларда тахминан икки баравар, совхозларда 60-65 процентга ортади. Иш кунининг қисқартирилишини эътиборга олганда соатига ишлаб чиқариладиган маҳсулот янада кўпаяди. 1965 йилда саноат маҳсулоти ўсишининг тўртдан уч қисми меҳнат унумдорлигини оширишу ҳисобига ҳосил қилинади.

Етти йиллик мобайнида меҳнат унумдорлиги республикамизда саноат соҳасида 46 процент ва қурилишда 70 процентга ортади. Областимизда эса 48 процент, Халқ хўжалиги кенгаши бўйича эса 60 процентга ошади.

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш

Етти йилликда қурилиш ишларини бениҳоя кенг миқёсда олиб бориш ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришга алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

Партиямизнинг XX съезди Шарқий районлардаги энг кўп хомашё ва энергетика ресурсларидан кенг фойдаланиш зарур эканини кўрсатиб ўтган эди. Эндиликда съезднинг бу кўрсатмаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу районларда дунёда энг йирик гидроэлектростанциялар қурилмоқда. Кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш соҳасидаги муваффақиятлар мустаҳкамланмоқда.

Етти йиллик планда ана шу вазифаларни ҳал этишда бундан буён ҳам олга қадам қўйиш кўзда тутилади. 1965 йилда Шарқий районларнинг кўмир қазиб чиқаришдаги салмоғи 50 процентгача. пўлат ишлаб чиқаришдаги салмоғи 48 процентга, чўян ишлаб чиқаришда 44 процентгача. цемент ишлаб чиқаришда 42 процентгача, прокат ишлаб чиқаришда 49 процентгача. электр қуввати ҳосил қилишда 46 процентгача. ёғоч, тахта тайёрлашда 52 процентгача, қоғоз ишлаб чиқаришда 32 процентгача ортади. Қимё саноати, нефтни қайта ишлаш саноати, рангли металлургия ривожланади.

Мамлакатимизнинг Шарқидаги ишлаб чиқарувчи кучларни бутун чоралар билан ривожлантирган ҳолда СССРнинг Европа қисмидаги районларида ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилади.

Автомашиналар

Мамлакатимиз саноатининг кенжа тармоғи бўлган автомобиль саноати 1920 йилнинг биринчи ярмиларидан бошлаб ташкил этила бошланди. 1924 йили Москва автомобиль заводи (хизирги Лихачев номидаги завод) биринчи 1,5 тонналик юк автомашиналарини ишлаб чиқара бошлади. Келгуси йили янги Ярославск автозаводи 3 тонналик юк автомашиналарини ишлаб чиқара бошлади. Мамлакатимизда энг йирик бўлган Горький номидаги автомобиль заводи қурилиб ишга туширилди. Урушдаврида ва урушдан кейинги йилларда Уралда, Минскда, Ульяновскда, Львовда, Кутаисида йирик автомобиль заводлари ишга туширилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз автомобиль саноати бир йилда 500 мингдан кўпроқ, ёки ҳар бир минутда биттадан автомашина ишлаб чиқармоқда.

Етти йиллик планнинг контроль рақамларида автомобиль ишлаб чиқаришни 1,5—1,7 мартага кўпайтириш ёки 1965 йилга бориб йилига ишлаб чиқариладиган автомобиль машиналарини 750—856 мингтага етказиш кўзда тутилмоқда.

Машинасозлик

Машинасозлик Совет ҳокимияти йилларида тез суръатда ривожлана борди. Етти йиллик план машинасозликнинг барча замонавий тармоқларини ва, аввало, оғир машинасозликни, асбобсозликни, автоматика ва электроника воситалари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришни кўзда тутади. Шу йиллар ичида машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва металл ишлашни қарийб икки баравар кўпайтириш мўлжалланади. Бу эса тракторлар, автомашиналар, тепловозлар, электровозлар ва бошқа машиналар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш имконини беради.

Етти йиллик планда Ўзбекистонда асосан пахтачиликка хизмат қиладиган машинасозликни янада ривожлантиришга катта эътибор берилади. Машинасозлик саноати маҳсулоти 1965 йилда 1958 йилдагига нисбатан бир неча ўн процент кўпаяди. 1965 йилга борганда, янги пахта териш машиналари ишлаб чиқариш 7 минг донага етади. Бу эса етти йилликнинг охирида пахтанинг 50 процентини машина билан териб олиш имконини беради.

Етти йилликда областимиз машинасозлик саноати маҳсулот ишлаб чиқаришни бир неча ўн процент кўпайтиради. «Ташсельмаш» заводи «ДТ-18» маркали тракторлар ишлаб чиқара бошлайди.

Кимё саноати

Кимё саноатини янада ривожлантиришга етти йилликда алоҳида аҳамият берилади. Шу йиллар ичида кимё маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми тахминан уч баравар ортади. Синтетик материаллар ишлаб чиқариш янада кенг ривожлантирилади. **Минераг ўғитлар ишлаб чиқариш 1958 йилдаги 12 миллион тонна ўрнига 1965 йилда 35 миллион тоннагг етказиш мўлжалланади.**

Етти йил ичида Ўзбекистон халқ хўжалигида кимё саноати жадал суратлар билан ривожлантирилади. Шу йиллар ичида кимё саноатининг ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш тўрт баравардан кўпроқ ортади ва саноатнинг бу муҳим тармоғини ривожлантиришга 1952-1958 йиллардагига нисбатан беш баравардан кўпроқ маблағ сарф қилинади. Янги азотўғит саноатлари қурилади. Областимиздаги Чирчиқ электр кимё комбинати реконструкция қилинади. Бу тадбирларнинг ҳаммаси минерал ўғитларни ишлаб чиқаришни икки баравардан зиёдроқ тўпайтириш имконини беради. Синтетик тола ишлаб чиқариш янада ривожлантирилади.

Халқ истеъмоли товарлари

1958 йилда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда озиқ-овқат ва саноат моллари қуйидагича кўпайди. Ип-газлама 28,7 метр, 4,4 жуфт пайпоқ, 1,7 жуфт пойафзал, 26,7 килограмм шакар, 6 килограмм ўсимлик мойи, 289 килограмм сут, 116,3 дона тухум ва ҳоказо.

Етти йиллик мобайнида енгил саноатнинг ялпи маҳсулоти 1,5 баравар, озиқ-овқат саноатининг ялпи маҳсулоти эса 1,7 бараварга ортади. Шу йиллар ичида уй-рўзғор анжомлари ишлаб чиқариш икки баравар кўпайтирилади.

Республикамизда етти йил мобайнида ип-газлама ишлаб чиқариш 45 процентга, шойи газлама 4,2 баравар, пойафзал ишлаб чиқариш 2 баравар, кийим-кечак ишлаб чиқариш 1,8 баравар, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш 1,5 баравар, сут маҳсулоти ишлаб чиқариш 2 баравардан кўпроқ, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2 баравар кўпайтирилади. Уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш анча ошади. Мебель ишлаб чиқариш 2,6 баравар кўпаяди.

Областимизда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш 73 процентга кўпайтирилади.

Етти йилликда аҳоли энг кўп талаб этадиган газламаларни ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади, пахмоқ газлама ишлаб чиқариш тахминан 3,5 баравар, трико ишлаб чиқариш 1,8 баравар, чит ишлаб чиқариш 1,6 баравар кўпайтирилади.

Етти йил мобайнида озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш мақсадида тўқ ўтдан турли маҳсулотлар ишловчи 250 га яқин корхона, сутдан турли маҳсулотлар ишловчи 1000 дан кўп корхона, 200 дан кўпроқ консерва заводи ва бошқа корхоналар ишга туширилади. Қанд заводлари қуввати бир кеча-кундузда 3,2 миллион центнер лавлагини қайта ишлайдиган даражага етади ёки 2 баравардан зиёд ортади.

Халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва кенг истеъмол буюмларига бўлган талаби кун сайин ўсиб бормоқда. Буни ҳисобга олган енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг коллективлари маҳсулот ишлаб чиқаришни тобора кўпайтириб, савдо ташкилотларига ўз вақтида етказиб бермоқдалар. Суратларда: (чапда) Тошкентдаги 40-сут маҳсулотлари магазинида харидорларга хизмат кўрсатиш пайти. (Пастда) «Ташпромтор»нинг 162-саноат моллари магазинида меҳнаткашлар дидларига ёққан газламаларни сотиб олмоқдалар.

В. Салов фотолари.

КАПИТАЛ МАБЛАҒ САРФЛАШ

Янги қурилишга капитал маблағ сарфлаш ва корхоналарни реконструкциялаш кенгайтирилган социалистик такрор ишлаб чиқариш юксак суръатларининг негизидир. Шу етти йиллида давлат томонидан сарфланадиган капитал маблағлар Совет ҳокимияти барпо қилингандан бери ўтган йилларнинг ҳаммасида сарфланган капитал маблағларнинг ҳажмига қарийб тенг бўлиб қолади.

Халқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағлар умуман ўтган етти йил ичидагига нисбатан 1,8 баравар ортгани ҳолда, саноатга сарфланадиган капитал маблағлар тахминан икки баравар кўпаяди. Давлат ва колхозларнинг қишлоқ хўжалигига сарфлайдиган капитал маблағлари ҳажми салкам 500 миллиард сўмни ташкил этади. Шу етти йиллида барча капитал маблағларнинг 40 процентдан кўпроғи мамлакатимизнинг шарқ районласига сарф қилинади.

Етти йиллида республикамиз халқ хўжалигини ривожлантиришга 35—36 миллиард сўм капитал маблағ сарфланади. Шундан 13 миллиард сўми бизнинг областимиз халқ хўжалигига сарф қилинади.

ТРАНСПОРТ

Етти йилликда мамлакатимизда транспорт ва алоқа янада ривожлантирилади. **1965 йилда темир йўл транспортининг йил обороти 1958 йилдагига нисбатан 39-43 процентга кўпаяди.** Етти йилликнинг охирига бориб, ҳаммаси бўлиб юз минг километрга яқин узунликдаги асосий магистралларнинг ҳаммасида фақат электровозлар ва тепловозлар қатнайдиган бўлиб қолади. Электровозлар ва тепловозларнинг жорий қилиниши етти йил ичида тахминан 400 миллион тонна кўмирни тежашга ва эксплуатация харажатларини 45 миллиард сўм миқдорига камайтириш имконини беради. Шу йиллар ичида транспортнинг бошқа ҳамма турлари янада ривожлантирилади, радио эшиттириш ва телевизион станцияларини анча кўпайтириш мўлжалланади.

Республикамизда транспорт ва алоқа янада яхшиланади. Тошкент темир йўлида поездларнинг техник тезлиги 105 процент жадаллашади, ҳамма юклар тепловоз билан ташиладиган бўлади. Бир қанча участкаларда иккинчи йўллар қуриш мўлжалланади. Автомобиль транспортининг юк ташиш обороти қарийб икки бараварга ошади. **Давлат йўли билан 2242 километр ва колхозлар маблағига 1440 километр узунликда йўл қуриш ва ишга тушириш кўзда тутилади.**

БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ ЕТТИ ЙИЛЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Эй Ватан, йилдан-йил яшнаб, гоп ка-мол!

Йилига 10—11 миллиард пуд

Дон етиштириш бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асоси ҳисобланади. Дон етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш етти йилликда ҳам деҳқончиликни ривожлантиришда асосий йўл бўлиб қолади. КПСС XXI съездида тасдиқланган «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959—1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари»да **«...етти йилликнинг охирига бориб дон ҳосилининг миқдорини йилига 10—11 миллиард пудга етказишни таъминлаш мақсадида дон хўжалигини янада юксалтириш...»** вазифа қилиб қўйилган.

Етти йиллик мобайнида дон етиштириш республикамиз ва областимизда анча ўсади. Ўзбекистонда дон етиштиришни 1,7 баравар кўпайтириш ва уни асосан маккажўхори ва оқжўхори экишни кенгайтириш ҳамда уларнинг ҳосилдорлигини ошириш йўли билан кўпайтириш кўзда тутилади. Етти йил ичида суғориладиган ерларда беда ва маккажўхори ҳамда жўхори экиладиган майдонни **700 минг гектарга** кенгайтирилади. 1965 йилга бориб областимизда эса ғалла ҳосили 164 минг тоннагача, маккажўхори ва оқжўхори дони етиштириш 61,8 минг тоннагача етказилади.

Сабзавот мўл-кўл бўлади

Ўтган йили мамлакатимизда картошканинг ялпи ҳосили 86 миллион тоннани ташкил этди, социалистик шаҳар ва ишчи посёлкаларимизда яшовчи аҳолининг картошкага бўлган эҳтиёжи қондирилди. **1965 йилга бориб картошканинг ялпи ҳосили 147 миллион тоннага етказилади.**

Қишлоқ хўжалигининг бу маҳсулотларини ошириш соҳасида етти йилликда областимизда катта ишлар қилинади. Картошка етиштириш 1965 йилда 1958 йилдагига нисбатан **192 процент,** яъни **132,8 минг тоннагача,** сабзавот маҳсулотлари эса **293,5 процентга** ёки **159,5 минг тоннагача** етказиш кўзда тутилади.

Олма, узум жуда сероб бўлсин

Еттийилликда республикамизда катта-катта боғлар ва токзорлар вужудга келтирилади. 1959—1965 йиллар мобайнида боғларнинг ҳар гектаридан олинадиган ҳосил 35 центнердан **80 центнерга,** ҳар бир гектар токзордан олинадиган ҳосил эса 37 центнердан **100 центнерга** етказилади.

Етти йилликнинг охирига бориб республикамизда хўл мева етиштириш 2.3 баравар кўпайтирилиб, **500—550 минг тоннага етказилади,** узум етиштириш эса **3,4 баравар кўпайтирилади. Областимизда боғдорчилик ва узумчилигини ривожлантириш соҳасида анча ишлар қилиниб, хўл мева етиштириш 26,4 минг тоннагача, узум етиштириш эса 47,3 минг тоннагача етказилади.**

Пилла

Етти йилликда пиллачилик кенг ривожланади. Республикамизда 1965 йилга бориб, 1958 йилдагига нисбатан 1,3 баравар кўп пилла етиштирилади. Ўзбекистон ҳозирги кунга Бразилия, Франция, Туркия, Эрон, Греция, Испания, Ливан, Ҳинди-Хитой ва Бельгия Конгоси мамлакатларининг ҳаммасига қараганда 1,5 баравардан ҳам кўп пилла бермоқда.

Ўтган йили минглаб звенолар ҳар қути ипак қурти уруғидан 100 килограммдан ва ундан ҳам кўпроқ, юзлаб колхозлар эса ўрта ҳисобда 70 — 80 килограммдан пилла етиштирдилар.

Областимиз кейинги беш йилликда ўтган беш йилликдагига нисбатан давлатга 370 минг тонна кўп пилла сотди.

1965 йилда областимизда пилла етиштиришни 1400 тоннагача етказиш мўлжалланади.

Ўзбек халқининг миллий ифтихори

Етти йиллик планда мамлакатимизда пахта етиштиришни 1965 йилга бориб 5,7-6,1 миллион тоннага етказиш, яъни 1958 йилдагига қараганда 30-40 процентдан зиёдроқ кўпайтириш мўлжалланган.

Пахта — ўзбек халқининг миллий ифтихори, мамлакатимиздаги барча халқлар билан қардошларча алоқасининг моддий ифодасидир. Пахта қанча кўп етиштирилса республикамиз ва мамлакатимизнинг экономикаси, куч-қуввати шунчалик ошади, пахтакорларимиз, умуман республикамиз аҳолисининг турмуши фаровонлашади. Партия ва ҳукуматимизнинг пахтачиликни ривожлантиришга шунчалик катта эътибор бераётганликларининг бойиси ҳам худди шунда.

Республикамиз бундан буён ҳам Иттифоқимизнинг асосий пахта базаси бўлиб қолаберади. **Пахта етиштириш 1958 йилдагига нисбатан 1,2-1,3 баравар кўпайтирилиб, 3 миллион 600 минг — 3 миллион 800 минг тоннага етказилади.** Бу муҳим вазифани бажаришга областимизнинг пахтакорлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Етти йилликда областимизда пахтачилик анча ривожланади. Областимизнинг колхоз ва совхозлари 1965 йилга бориб, давлатга 640 минг тонна пахта етказиб берадилар. Етти йилликнинг биринчи йили бўлмиш 1959 йилда областимиз меҳнаткашлари давлатга 460 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун курашмоқдалар.

Бу муҳим вазифани бажариш учун барча колхоз ва совхозларда **ҳосилдорликни** кескин ошириш — уни 1958 йилда ҳар гектардан олинган 22 центнер ўрнига 1965 йилга бориб **камида 25-26 центнерга етказиш** мақсад қилиб қўйилган.

Кейинги беш йил мобайнида республикамиз давлатга 13,7 миллион тонна ёки олдинги беш йилликдагига нисбатан давлатга 2 миллион 700 минг тонна кўп пахта топширди. Ўтган йили республика пахтакорлари пахтадан мисли кўрилмаган даражада кўп ҳосил олишга муваффақ бўлдилар — давлатга 1953 йилдагига нисбатан 514 минг тонна кўп пахта топширдилар. Республика давлатга 1958 йил ҳосилидан 2 миллион 946 минг тонна «оқ олтин» отди.

Чорвачилик янада ривожланади

Етти йилликда чорва моллари-нинг сони кескин равишда кўпайтирилади. 1952—1958 йилларда-ги ҳар йилги ўртача кўпайишга нисбатан 1959—1965 йилларда ҳар йилги ўртача ўсиш **қорамоллар бўйича 3,2 баравар,** шу жумладан **сигирлар бўйича 1,9 баравар, қўйлар бўйича қарийб 1,5 баравар** кўпаяди.

СССРда ва АҚШда чорвачилик маҳсулотларининг ўртача йиллик ўсиш суръати биз яқин йилларда АҚШга етиб олишимиз реал эканлигини кўрсатиб турибди. 1958 йилдан 1958 йилгача чорва маҳсулотларининг ўртача йиллик ўсиш суръати АҚШда 0,9 процентни ташкил этган бўлса, СССРда 9 процентни ташкил этди, гўшт бўйича АҚШда 1,3 процентни, СССР 6,2 процентни, жун бўйича АҚШ ўсиш бўлмади, СССРда эса 6,4 процентни, тухум бўйича ҳам АҚШ ўсиш бўлмади, СССРда эса ўсиш 7 процентни ташкил этди. Ёғ АҚШ 1959 йили 0,84 миллион тоннани ишлаб чиқарилган эди. Бизда 0,7 миллион тонна ишлаб чиқарилган 1965 йилга бориб эса 1,15 миллион тоннага етказилади. АҚШга ёғ олиш учун биз ёғни 840 минг тонна миқдорида ишлаб чиқаришимиз керак. 1965 йилда эса фақат завларимиз етказиб берадиган ёғ миқдори 1 миллион тоннадан ортиқ бўлади.

Гўшт масаласига келганда жон ошига АҚШга етиб олиш учун ўпитнинг ялпи ҳажмини қарийб 20-21 миллион тоннага етказиш керак. Етти йилликда эса гўшт етиштириш 16 миллион тонна мўлжалланган. Демак, 1965 йил учун давлат топшириғи қарийб 4-5 миллион тоннага кам. Бироқ, ҳисоблар шуни кўрсатмоқдаки, агар яроқли ерларнинг ҳар 100 гектарига 42 центнердан гўшт олинса, АҚШга етиб олиш ва ундан ўтиб кетиш шиоримиз амалга оширилади. Бизда 80, 100 центнердан гўшт олаётган хўжаликлар кўп. Демак резервимиз ҳам бор. Улардан ишнинг кўзини билиб фойдаланилса, ғалаба таъмин этилади.

Гўшт етиштиришда республика ва областимизда ҳам анча самарали ишлар қилинади. 1965 йилга **гўшт етиштириш 1957 йилдагига нисбатан 2,1 баравар, сут етиштириш 1,7 баравар, жун етиштириш 1,5 баравар ва қоранўл тери етиштириш 1,3 баравар кўпайтирилади.** Областимиз колхоз ва совхозларининг азамат меҳнаткаш чорвадорлари 1965 йили гўшт етиштиришни **25,7 минг тоннага,** жун етиштиришни **1.377 тоннагача,** тухум етиштиришни **19,8 миллион донагача,** сут етиштиришни эса **95,6 минг тоннагача** етказиш учун курашмоқдалар.

Халқ маорифи гуркираб ўсади

Коммунистик қурилишни янада авж олдиришда халқ маорифини, фан ва маданиятни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам бу муҳим масалаларга етти йиллик планда муносиб ўрин берилган. Бунинг исботи учун бирқатор мисоллар келтирамиз:

Олий ўқув юртларида тайёрланадиган мутахассислар сони 1952-1958 йилдаги 1 миллион 700 минг кишидан 1959-1965 йилларда 2 миллион 300 минг кишига етказилади. Бошлангич ва ўрта мактабларда-ги ўқувчиларнинг сони етти йиллик мобайнида 30 миллион кишидан 40 миллион кишига етади, мактаб-интернатлардаги ўқувчиларнинг сони эса 180 мингдан 2 миллион 500 минг кишига ортади.

Республикамизда бу соҳада қилинадиган ишлар ҳам эътиборга сазовордир. Етти йилликда 420 минг ўринли янги мактаб бинолари қуриш, умумий таълим мактабларида ўқувчиларнинг сонини 1958 йилдагига нисбатан 34 процент ошириб, 1 миллион 770 минг кишига етказиш мўлжалланган. Мактаб-интернатлар янада кўпайтирилиб, улардаги ўқувчилар сони 1958 йилдаги 3.200 кишидан 1965 йилда 117 минг 800 кишига етказилади.

Етти йилликнинг халқаро аҳамияти

«Етти йиллик планнинг халқаро аҳамияти шундан иборатки, бу планни бажариш натижасида жаҳон социализм системасининг қудрати янада мустаҳкамланади. Етти йиллик планда Совет Иттифоқининг барча социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантириш кўзда тутилади. Ишлаб чиқаришнинг кучайиб бораётган анархияси, кризислар, монополиялар ва буржуа давлатлари ўртасидаги шиддатли конкуренция капиталистик дунёга хос хусусиятлар бўлса, жаҳон социалистик системасида планли иқтисодий ривожланиш қонуни амал қилади, мамлакатлар ўртасидаги қардошлик алоқалари мустаҳкамлана боради, тажрибаларни ўзаро айирбошлаш, иқтисодий ҳамкорлик қилиш ва дўстона ўзаро ёрдамлашиш кучая боради. Етти йиллик давр ичида саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, аҳолининг моддий даражаси ва маданий савияси Совет Иттифоқида ва барча социалистик мамлакатларда анча ўсади».

(СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959 — 1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамларидан).

Етти йилликда кўзда тутилаётган вазифалар «... катта тарихий аҳамиятга эга бўлган практика эканлигини ҳамма яхши кўриб турибди, бу практика бутун дунёга социализмдан коммунизмга ўтишнинг йўлини кўрсатиб турибди ва, демак, марксизм-ленинизм хазинасини янада кўпроқ бойитади».

ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙ,
Хитой Коммунистик партияси.

* * *

«Совет экономикасини ривожлантиришга қаратилган яқин 7-15 йилга мўлжалланган директивалар ва муҳокама қилинаётган бошқа масалалар фақат Совет Иттифоқи учун эмас, фақат социалистик лагерь учун эмас, балки бутун жаҳон учун ҳам катта аҳамиятга эга».

А. НОВОТНИЙ,
Чехословакия Коммунистик партияси.

* * *

«Совет Иттифоқи томонидан етти йиллик план бажарилишига бизнинг ишончимиз комил. Биз шуни ҳам биламизки, бу ғалаба совет халқининг, шунингдек бутун социалистик лагернинг, халқаро коммунистик ҳаракатнинг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг ғалабаси ҳам бўлади».

Я. КАДАР,
Венгрия социалистик ишчи партияси.

* * *

«Янги етти йиллик план... Совет Иттифоқида коммунистик қурилиш соҳасида олға ташланган катта қадам бўлибгина қолмай, у жаҳоннинг барча халқларига ҳам катта таъсир кўрсатади ва социалистик жамиятнинг буюк потенциаль имкониятларини яна бир марта намойиш қилади».

Джеймс ДЖЕКСОН,
АҚШ Коммунистик партияси.

* * *

«Етти йилликнинг перспективалари Осиё ва Африка халқлари учун сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан жуда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган фактор бўлиб ҳисобланади».

Аджой ГХОШ,
Ҳиндистон Коммунистик партияси.

* * *

«Етти йилликнинг топшириқлари социализм кундан-кунга тобора кучайиб бораётганини, жаҳон миқёсида капитализмдан социализмга ўтиш тезлашаётганини кўрсатувчи янги далилдир... Етти йиллик план социализмни бузиб кўрсатишга ва меҳнаткашларни капиталистик тузум билан муроса қилдиришга уринаётган реформистлар ва ревизионистларга берилган катта зарбадир».

Яаап ВОЛЬФ,
Нидерландия Коммунистик партияси.

* * *

«Янги етти йиллик план фақат Совет Иттифоқи олдида эмас, балки бутун социалистик лагерь, бутун инсоният олдида ҳам улуғвор истиқболлар очиб беради».

Эдгар ВООГ,
Швейцария Коммунистик партияси.

* * *

«Бу съездда муҳокама қилинаётган улуғвор план... Совет Иттифоқи ва социалистик мамлакатларнинг тинч мақсадларни оммага равшан кўрсатиб бериш учун, Совет Иттифоқи барча халқларнинг, шу жумладан немис халқининг ҳам дўсти эканини кўрсатиш учун, ва Герман империалистлари ва милитаристлари немис халқининг душмани эканлигини кўрсатиш учун; НАТО сиёсати атом уруши хавфи солаётган бир вақтда Совет Иттифоқи тинчлик сиёсатини юргизаётганини кўрсатиш учун бизга ёрдам беради».

Макс РЕЙМАН,
Германия Коммунистик партияси.

* * *

«Етти йиллик план—бу совет халқининг тинчликсеварлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир, агар бутун норвег халқи бу ҳақиқатни тушунганда эди, у империалистларнинг ҳарбий блоки — Шимолий Атлантик блок аъзолиги ҳақидаги шартномани бекор қилишни талаб этган бўларди».

Эмиль ЛЕВЛИЕН,
Норвегия Коммунистик партияси.

* * *

«Сизнинг планингиз... ҳозирги замон қулчилик занжирларини парчалаб ташлаш учун курашаётган халқларга символ бўлиб ҳисобланади».

Али ЯТА,
Мэрокаш Коммунистик партияси.

* * *

«...Етти йиллик планнинг амалга оширилишидаги муваффақиятлар Лотин Америкаси халқларининг миллий озодлик учун, империализмга қарши олиб бораётган курашларида уларнинг активлигини янада кучайтиради».

Луис ТЕЛЬЕРИ,
Боливия Коммунистик партияси.

* * *

«Етти йиллик план Совет Иттифоқининг тинчликни ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга бўлган мустаҳкам иродасини намойиш қилади».

Иоганн КОПЛЕНИГ,
Австрия Коммунистик партияси.

Турмушимиз янада фаровон бўлади

«КПСС XXI съезди саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда жуда катта муваффақиятлар қўлга киритилган ҳозирги шароитда совет халқининг яқин вақт ичида янада яхшироқ, ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириб яшаши учун барча шарт-шароит мавжуддир. деб ҳисоблайди. Шу мақсадда етти йиллик планда қуйидагилар кўзда тутилсин:

— миллий даромад 62-65 процент оширилсин. Бу чора халқ истеъмолини анча оширишни таъминлаши лозим. Етти йилликда истеъмол фонди 60-63 процент ортади;

— етти йилликда ишчи ва хизматчиларнинг реал даромадлари ишлаб турган бир киши ҳисобига 40 процент кўпайтирилсин ва колхозчиларнинг реал даромадлари ҳам камида 40 процент оширилсин;

— аҳолидан солиқ ундириб олиш яқин йиллар ичида бекор қилинсин;

— иш ҳақини тартибга солиш ва кам ҳақ оладиган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини етти йил ичида ойига 270-350 сўмдан 500-600 сўмга ошириш чоралари кўрилсин;

— кексалик учун ҳозирги вақтда берилаётган пенсияларнинг минимал миқдори шаҳарларда ойига 300 сўмдан 400 сўмгача кўпайтирилсин ва қишлоқ жойларда доимий яшовчи ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган пенсионерларга 255 сўмдан 340 сўмгача кўпайтирилсин, шунингдек инвалидлик юзасидан ва боқувчисидан маҳрум бўлган тақдирда бериладиган пенсияларнинг минимал миқдорлари оширилсин..,

— иш кунини ва иш ҳафтасини қисқартиш тадбирлари амалга оширилсин, ишчи ва хизматчиларни етти соатлик иш кунига кўчириш, кўмир ва кон-руда саноатидаги етакчи касбларда, ер ости ишларида банд бўлган ишчиларни эса олти соатлик иш кунига кўчириш 1960 йилда тугаллансин. 1962 йилда ишчи ва хизматчиларни кунига етти соат, ҳафтасига 40 соатлик иш кунига кўчирилсин. 1964 йилдан бошлаб ер ости ишларида ва меҳнат шароити зарарли корхоналарда банд бўлган ходимлар учун 30 соатлик иш ҳафтасига ва бошқа ҳамма ходимлар учун 35 соатлик иш ҳафтасига (ҳар куни 6-7 соат ишлаб, ҳафтасига икки дам олиш кунига эга бўлган ҳолда) аста-секин ўтишга киришилсин;

— давлат ва кооператив савдоси чакана товар оборотининг ҳажмини тахминан 62 процент кўпайтирилсин».

(Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари тўғрисида»ги доклади юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXI съезднинг резолюциясидан).

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш

В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг биринчи йилларидаёқ меҳнат унумдорлигини оширишга катта эътибор бериб, меҳнат унумдорлиги социализмнинг капитализм устидан узил-кесил ғалаба қозонишини таъминловчи энг муҳим омил эканини алоҳида уқтириб ўтган эди. Етти йиллик планда қишлоқ хўжалик соҳасида меҳнат унумдорлигини янада оширишнинг конкрет тадбирлари белгиланган.

Меҳнат унумдорлиги колхозларда 1965 йилга бориб 1958 йилдагига нисбатан икки баравар, совхозларда эса 60-65 процент ортади. Бунга қандай эришилади? Бу ниҳоятда муҳим ва мураккаб масала қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш йўли билан ҳал этилади. 1958 йилда социалистик қишлоқ хўжалигимизда 1.700 минг трактор (15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда), 500 минг ғалла комбайни, 700 минг юк ташувчи машина ва 120 минг силос йиғувчи комбайн ишлаб турди. Етти йилликда қишлоқ хўжалигимиз учун 1 миллиондан кўпроқ трактор, 400 мингга яқин ғалла комбайни етказиб берилади, мамлакатимизнинг ҳамма колхозларини электрлаштириш асосан тугалланади, совхоз ва РТСларни электрлаштириш эса, бундан анча олдинроқ тугалланади. Қишлоқ хўжалигида электр қувватини истеъмол қилиш етти йил мобайнида тахминан 4 баравар кўпаяди.

Республикамизда етти йил ичида ғўза қатор ораларини ишлашни яқин 2-3 йил ичида тамомила механизациялаштириш ва пахтачиликда кетмондан бутунлай воз кечиш биринчи навбатдаги энг муҳим вазифа қилиб қўйилган. Шу мақсадда давлат колхозлар, совхозлар ва қишлоқ қурилиш ташкилотларига (15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда) 80 мингга яқин трактор, 19 минг трактор культиватори, 20-25 минг пахта териш машинаси, 10 минг ғўзапоя юлиш машинаси, 24 минг юк автомобили, 1,5 мингга яқин экскаватор ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси етказиб беради.

Совет Иттифоқи ва бутун социалистик системанинг жаҳон саноат ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси

1917 йили—3 процентни

1937 йили—қарийб 10 процентни

1958 йили—33 процентдан ортиғини ташкил этган.

1965 йили—50 процентдан ортиғини ташкил этади.

Ишлаб чиқаришнинг абсолют ҳажми жиҳатидан СССРнинг жаҳонда тутган ўрни

Оқтябрь революциясига қадар Россия 5-ўринда эди.

Ҳозирги вақтда СССР 2-ўринда.

7 йиллик бажарилгандан сўнг, тахминан яна 5 йилдан кейин 1-ўринни эгаллайди.

БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ ЕТТИ ЙИЛЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

ЖАЗОИРЛИК АЗИЗ ҚАРДОШЛАР, БИЗ СИЗЛАР БИЛАН БИРДАММИЗ!

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг баёноти

Қаҳрамон жазоир халқи ўз юртида тўла ҳуқуқли хўжайин бўлишдан иборат муқаддас ҳуқуқини қўлга қурол олиб, бир неча йилдан бери қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда. Жазоир халқининг ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги ҳуқуқини Осиё ва Африкадаги эрксевар халқлар бутун прогрессив инсоният билан биргаликда алоҳида қатъият ва якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Совет кишилари араб қардошларга ҳамиша катта ҳурмат ва хайрихоҳлик билан қараб, оғир пайтларда уларга дўстона ёрдам қўлини узатиб келдилар. Империалистик мустамлакачиларга қарши курашда Совет Иттифоқи ва Араб Шарқи халқларининг дўстлиги ва бирдамлиги ривожланди ва чиниқди. Биз, совет кишилари, бу дўстликка ҳеч ким путур етказолмайди, деб ишонч билдирамиз. Бизнинг қалбимиз Африка-Осиё халқлари миллий озодлик ҳаракатининг олдинги сафларида бораётган Жазоир халқи билан ҳамиша биргадир. Жазоирликларнинг мардона курашини, уларнинг ўз жонажон юртини ажнабий босқинчилардан ҳар қандай қилиб бўлса ҳам тозалаш йўлидаги фидокорона қатъиятини соф виждонли ҳамма кишилар, халқлар озодлиги ва мустақиллигини қадрлайдиган ҳамма кишилар қўллаб-қувватламоқда.

Минглаб жазоирлик ватанпарварлар ҳаққоний иш учун курашмоқдалар ва жонларини фидо қилмоқдалар. Ҳақиқат эса, муқаррар тантана қилади. Совет кишилари қаҳрамон Жазоир халқининг ўз мамлакатини мустамлакачилардан озод қилишига аминдирлар.

Жазоирлик қардошлар, сизларнинг тезроқ ғалаба қозонишингизни чин қалбимиздан тилаймиз!

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети миллион-миллион совет кишилари номидан қаҳрамон, курашувчи Жазоир билан қардошларча бирдамлигини билдиради, қон тўкишнинг дарҳол тўхататилишини ва Жазоирга миллий мустақиллик берилишини талаб қилади.

Яшасин эрксевар Жазоир халқи!

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ҚАРОРИ

БЕРЛИН, 28 март. (ТАСС). Министрлар Советининг раиси ҳузуридаги матбуот бошқармасининг хабар беришича, Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг Президиуми ишчи ва хизматчилардан катта қисми иш ҳақини ошириш тўғрисида қарор қабул қилган. Бу қарор Германия Демократик Республикасининг озиқ-овқат саноатида ва почта муассасаларида, целлюлоза, қоғоз ва картон ишлаб чиқарувчи корхоналарда, сунъий тери ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаётган кишиларнинг муайян категорияларига, шунингдек давлат соғлиқни сақлаш органлари ходимларига ва бошқа кишиларга жорий қилинади.

Иш ҳақининг оширилиши натижасида меҳнаткашларнинг реал даромади йилига 108 миллион марка ошади.

БУЮК БРИТАНИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ XXVI СЪЕЗДИДА

ЛОНДОН, 28 март. (ТАСС) Съезднинг кечки мажлисида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегати, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси А. М. Румянцев сўзга чиқди. У ўз нутқининг охирида делегатларнинг гулдурос овацияси остида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Буюк Британия Коммунистик партияси XXVI съездига юборган табригини ўқиб эшиттирди.

ЛОНДОН, 29 март. (ТАСС). Буюк Британия Коммунистик партияси XXVI съезднинг кечки мажлисида қардош компартияларнинг бир қанча вакиллари сўзга чиқди. Ҳиндистон Компартияси миллий кенгашининг секретари А. Аҳмед съезд делегатларига Ҳиндистон коммунистларидан қизғин салом топшириб, Буюк Британия халқи каби ҳинд халқи ҳам бутун дунёда тинчликдан иборат буюк ишни охиригача қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қатъий бел боғлаган, деб съезд делегатларини ишонтирди.

«Сизлар билан бирга бизлар ҳам, — деди Аҳмед, — «совуқ уруш» сиёсатига хотима берилишини, ядро қуроли тақиқланишини ҳамда Берлин масаласининг ва Германия билан сулҳ шартномаси тузиш тўғрисидаги масаланинг тезроқ бартараф қилинишини талаб этамиз. Сизлар билан бирга бизлар ҳам Африка ва Осиё халқларининг озод бўлишини ҳамда шармандали мустамлакачилиқ системасининг йўқотилишини талаб қиламиз. Сизлар билан бирга бизлар ҳам инсониятга жуда катта хавф тугдираётган НАТО, СЕАТО ва Бағдод пакти сингари барча империалистик ҳарбий блокларни қоралаймиз ва уларга нафрат билан қараймиз».

А. Аҳмед гулдурос овация остида ўз нутқининг охирида Ҳиндистон ва Буюк Британия халқларининг дўстлиги шарафига, Ҳиндистон Коммунистик партияси билан Буюк Британия Компартияси ўртасида қардошлик муносабатлар шарафига, бутун дунё халқларининг бирлиги шарафига, марксизм-ленинизмнинг олижаноб ва сўнмас принциплари шарафига табрик сўзлари айтди.

Польша Бирлашган ишчи партиясининг вакили Э. Герек съезд делегатларига, барча инглиз коммунистларга ва бутун инглиз халқига қардошлик саломи топширди. «Мамлакатларимиз меҳнаткашларини бирлаштириб турган кўпгина умумий мақсадлар бор, — деди ўртоқ Герек. Уларни бирлаштирувчи асосий нарса — тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги интилиш, зўр бериб қуроллашга хотима бериш ва ядро қуролининг тақиқланишига эришиш йўлидаги интилишдир.

Бизлар Буюк Британия Коммунистик партиясининг тинчлик иши учун курашга муҳим ҳисса қўшганлигини гоят қадрлаймиз ва азиз ўртоқлар, сизларга бу олижаноб ишда янада муваффақиятлар тилаймиз».

ЛОНДОН, 30 март. (ТАСС). Буюк Британия Коммунистик партиясининг XXVI съезди бугун ўз ишини тамомлади.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ БУЙРУҒИ

ПЕКИН, 28 март. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Бугун бу ерда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг қуйидаги буйруғи эълон қилинди:

Маҳаллий ҳукумат бошлиқларининг кўпчилиги ҳамда Тибетнинг реакцион юқори доиралари империализм билан тил бириктириб ва исёнчи босқинчиларни тўплаб исён кўтардилар, халққа зарар етказдилар, Далай-Ламани ўғирлаб кетдилар, Тибетни тинч йўл билан озод қилиш тадбирлари тўғрисидаги 17 моддадан иборат битимни буздилар, 19 март кечаси эса маҳаллий Тибет қўшинлари билан исёнчиларнинг Лхасадаги халқ-озодлик армияси қисмларига кенг ҳужумини уюштирдилар. Ватанга хиёнат ва мамлакатнинг бирлигига путур етказишдан иборат бўлган бундай ҳаракатлар давлат қонунларига бутунлай зиддир. Мамлакатнинг бирлигини ва миллий бирликни ҳимоя қилиш мақсадида Давлат кенгаши Хитой халқ-озодлик армиясининг Тибет ҳарбий округи қисмларига исённи батамом тугатиш вазифасини юклади ҳамда бугундан бошлаб маҳаллий Тибет ҳукуматини тарқатиб юборишга ва унинг вазифаларини Тибет автоном районини тузиш Тайёргарлик комитети зиммасига юклашга қарор қилди. Тибет автоном районинэ тузиш Тайёргарлик комитетининг раиси Далай-Лама Динь Цзэн-дяцо ўғирлаб кетилиб исёнчилар қўлида турган вақтда бу комитет раиси вазифаларини адо этувчи қилиб Тибет автоном районини тузиш Тайёргарлик комитети раисининг ўринбосари Панчен-Эртни Чугиганцана тайинлансин. Тибет автоном районини тузиш Тайёргарлик комитетининг доимий комитети аъзоси Пабала Чжолэнамжини Тайёргарлик комитети раисининг ўринбосари қилиб тайинлансин; доимий комитет аъзоси ва тайёргарлик комитетининг бош секретари Нгабу-Нгавана Джигими Тайёргарлик комитети раисининг ўринбосари ва бош секретари қилиб тайинлансин. Ватанга хиёнат ва Буюк Британия халқларининг дўстлиги шарафига, Ҳиндистон Коммунистик партияси билан Буюк Британия Компартияси ўртасида қардошлик муносабатлар шарафига, бутун дунё халқларининг бирлиги шарафига, марксизм-ленинизмнинг олижаноб ва сўнмас принциплари шарафига табрик сўзлари айтди.

Польша Бирлашган ишчи партиясининг вакили Э. Герек съезд делегатларига, барча инглиз коммунистларга ва бутун инглиз халқига қардошлик саломи топширди. «Мамлакатларимиз меҳнаткашларини бирлаштириб турган кўпгина умумий мақсадлар бор, — деди ўртоқ Герек. Уларни бирлаштирувчи асосий нарса — тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги интилиш, зўр бериб қуроллашга хотима бериш ва ядро қуролининг тақиқланишига эришиш йўлидаги интилишдир.

Бизлар Буюк Британия Коммунистик партиясининг тинчлик иши учун курашга муҳим ҳисса қўшганлигини гоят қадрлаймиз ва азиз ўртоқлар, сизларга бу олижаноб ишда янада муваффақиятлар тилаймиз».

ЛОНДОН, 30 март. (ТАСС). Буюк Британия Коммунистик партиясининг XXVI съезди бугун ўз ишини тамомлади.

РУМИНИЯДА К. МАРКС, Ф. ЭНГЕЛЬС, В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИ ТЎПЛАМИ НАШР ЭТИЛДИ

БУХАРЕСТ, 28 март. (ТАСС). Руминия Халқ Республикасининг давлат сиёсий адабиёт нашриёти «К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин пролетар интернационализми тўғрисида» номли тўпламни нашр этди.

Тўпламга К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленининг пролетар интернационализмига бағишланган мақолалари, нутқлари ва хатлари кирган.

ДАНИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

КОПЕНГАГЕН, 29 март. (ТАСС). «Ланд ог фольк» газетаси Дания Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми тўғрисидаги ахборотни эълон қилди. Пленумда фолькетинг аъзоси Вилли Футльсанг КПСС XXI съезднинг иши ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг съездда қабул қилинган етти йиллик плани тўғрисида доклад қилди. У съезд қарори бошқа мамлакатлардаги ишчилар синфига ва демократик кучларга таъсир ўтказишини уқтириб ўтди.

Фолькетинг аъзоси Альфред Енсен сиёсий аҳвол ва партиянинг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Дания коммунистик ёшлар союзининг раиси И. Грот шу ташкилотнинг вазифаларига ва партиянинг ёшлар ўртасида ишлаш соҳасидаги сиёсатига тўхталди.

Пленумда сўзга чиққанлар пойтахт ва вилоят партия ташкилотларининг ҳаётидан кўпгина актуал масалаларни, шу жумладан ишчилар синфининг иш ҳақини ошириш йўлидаги кураши тўғрисидаги Данияннинг миллий мустақиллигинэ НАТО-нинг хуружларидан, хусусан, Ютландияда ҳарбий омборлар қурилиши муносабати билан бўладиган хуружлардан ҳимоя қилиш ҳақидаги ва бошқа масалаларни кўтардилар.

Пленумда ички сиёсий ва ташкилий масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ТИБЕТДАГИ ИСЁН ТЎҒРИСИДА СИНЬХУА АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

ПЕКИН, 28 март. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар берди:

Тибетнинг маҳаллий ҳукумати ва реакцион доиралари Тибет халқининг иродасига хилоф равишда ватанга хиёнат қилиб, империализм билан тил бириктириб, исёнчи бандит унсурларни тўплаб ҳамда 19 март кечаси Лхасадаги халқ озодлик армияси гарнизонига қуролли ҳужум қилдилар. Қаҳрамон халқ озодлик армиясининг Тибетда жойлашган қисмлари исённи тугатиш ҳақида буйруқ олиб, Лхаса шаҳрида исёнчиларни 22 мартда тамомила тор-мор келтирдилар. Ҳозирги вақтда бизнинг қўшинларимиз Тибетдаги ватанпарвар руҳонийлар ва граждан аҳолиси турли табақаларининг ёрдами билан Тибетнинг бошқа баъзи районларини исёнчилардан тозалашни давом эттирмоқдалар.

МОСУЛДАГИ ИСЁН ҚАТНАШЧИЛАРИ УСТИДАН ҲУКМ ЧИҚАРИЛДИ

БАҒДОД, 29 март. (ТАСС). Мосулда ҳукуматга қарши уюштирилган исёнда қатнашган Ироқ ҳарбий ҳаво кучларининг собиқ тўрт офицери устидан олий ҳарбий суд чиқарган ҳукм эълон қилинди. Полковник Абдулла Ножий, майор Косим Алаззавий, лейтенантлар Аҳмад Маҳиш Ашур ва Фадил Носир отишга ҳукм қилинган.

Пойтахтимизнинг бир куни

СОВЕТ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШЛАРИНИНГ ЭКСПОНАТЛАРИ

Яқинда республика табиий-илмий пропаганда музейида Совет Ер сунъий йўлдошларига бағишланган бўлим ташкил этилди. Мана, экспонатлардан бири: Ер шарининг макети электр токи ёрдами билан айланиб турипти. Унинг атрофида учта Совет Ер сунъий йўлдошлари модели айланмоқда. Бу тамошабинларга Ер сунъий йўлдошларининг қандай учиши тўғрисида тўла тасаввур беради.

Учинчи Совет Ер сунъий йўлдошининг моделига музейда катта ўрин берилган. Ҳақиқий сунъий йўлдошга нисбатан уч марта кичик қилиб ишланган бу учинчи Ер сунъий йўлдошининг модели тамошабинларни жуда қизиқтирмоқда. К. Е. Циалковскийнинг кўп поғонали ракета ёрдамида ернинг тортиш қувватидан қутилиб, осмонга чиқиш мумкин, деган илмий назарияси асосланган проект схемасига ҳам анча ўрин берилган.

Уч Совет Ер сунъий йўлдошлари ичига жойлаштирилган илмий маълумотлар берувчи аппаратлар ва ракетани учириш аппаратлари схемаси ҳам выставкага қўйилган.

Суратда: музейга келувчилар янги экспонатларни зўр қизиқиш билан кўздан кечирмоқдалар.

М. Турсунхўжаев фотоси.

„Ўзбекфильм" студиясига биринчи даражали диплом берилди

Республикамизнинг «Ўзбекфильм» киностудияси кейинги вақтларда тамошабинларга манзур бўладиган бадиий фильмлар ишлаб чиқариш билан бирга, кўплаб ҳужжатли фильмлар ҳам яратмоқда. Студия тамошабинларга тақдим қилган «Ўзбекистонимизга келинг» ҳужжатли фильми ана шуларнинг биридир. С. Муҳаммедов ва Ю. Каравкинлар сценарийси асосида ишланган бу ҳужжатли фильмни Малик Қаюмов постановка қилган.

Ўтган йили «Ўзбекистонимизга келинг» ҳужжатли фильми Венецияда ўтказилган ҳужжатли фильмлар IX халқаро кинофестивалида намойиш қилинди. Ана шу кинофестивалда студия ижодий ходимларининг меҳнати юксак баҳоланди. «Ўзбекистонимизга келинг» ҳужжатли фильми учун «Ўзбекфильм» киностудиясига биринчи даражали диплом берилди.

Шу йили апрель ойида Киев шаҳрида ўтказиладиган Бутуниттифоқ ҳужжатли фильмлар кинофестивали ҳамда Ғарбий Германияда бўладиган ҳужжатли фильмлар жаҳон фестивалида ҳам «Ўзбекфильм» киностудияси ўзининг ана шу маҳсулоти билан қатнашади.

Н. НАСИМОВ.

Кулинария ва кондитер маҳсулотлари виставкаси

Куйбишев ошхоналар трестига қарашли 12-ошхона асосан «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» Бирлашган нашриётининг ишчи-хизматчиларига хизмат кўрсатади. Ошхона ходимлари ҳўрандаларга хизмат кўрсатишни бирмунча яхшилаб, 1959 йил биринчи квартал планини муддатидан илгари — 18 мартда бажардилар. Шу ерда яқинда яхши ташаббус бошланди: ўтган шанба куни ошхонада кулинария ва кондитер маҳсулотлар яримфабрикатларидан иборат сотиш виставкаси ташкил қилинди. Виставкага 10 хил ўзбек миллий таомлари: ош, борщ, кавоб, котлет, бефштекс, андрикот, шницель каби таомлар учун яримфабрикатлар ва бир неча хил кондитер маҳсулотлари қўйилди. Виставка бундан буён ҳар ойда икки марта ташкил этилиб турилади.

Лекин ошхона фаолиятида жиддий камчиликлар ҳам бор. Яқинда ошхона ходимлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг умумий овқатланишни янада яхшилаш тўғрисида чиқарган қарорини кенг муҳокама қилдилар. Йиғилишда ошхона ишидаги мавжуд камчиликлари тезда тугатиш тадбирлари белгиланди.

КОМСОМОЛ ИШЧИЛАР ТАШАББУСИ

Фрезерчи Рустам Юсупов смена ишини тамомлагач, ҳамкасблари билан завод ҳовлисининг ҳар ер-ҳарида сочилиб ётган керакси деталлар, темир-терсакларни тўплашга киришди.

Тошкент газ аппаратлари заводининг комсомол ишчилари жуда фойдали ташаббусни бошладилар. Темир-терсакларни тўплаш натижасида биринчидан, завод территорияси тозаланди, иккинчидан ишлаб чиқариш учун хомашёга эга бўлинади. Озиргача комсомоллар 10 тоннага яқин темир-терсак тўпладилар.

Бу ташаббуслан шаҳардаги бошқа саноат корхоналари ҳам ўрнак олдилар, арзийди.

Б. ҒУЛОМОВ.

Меҳнат, маданият ва спорт эстафетаси

Олий ўқув юртлари комсомол ва касаба союз ташкилотлари ишини янада яхшилаш, студентларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, илғор иш методларини ёйиш мақсадида Тошкент область комсомол комитети ва область касаба союзлари совети меҳнат, маданият ва спорт эстафетасини ўтказишга қарор қилдилар.

Эстафетани ўтказиш қоидаси қуйидагича: бир олий ўқув юрти иккинчи ўқув юртининг комсомол ва касаба союз комитетига ўз жамоат ташкилотларининг студентларни тарбиялаш соҳасида эришган ютуқлари ва тажрибалари қисқача баён қилинган эстафета альбоми топширади, сўнгра студентлар делегацияси иккинчи олий ўқув юртига борib, у ерда ташкил этилган дам олиш кечасида қатнашади. Бу кечада эстафета топширганлар ўз ютуқлари тўғрисида рапорт берадилар ва бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг чиқишларида, спорт ўйинларида актив иштирок этиб, ўз ютуқларини намойиш қиладилар. Эстафетада пойтахтимиздаги 14 олий ўқув юрти қатнашади.

Эстафетада актив қатнашган олий ўқув юртларининг комсомол ва касаба союз ташкилотлари, айрим студентлар область комсомол комитетининг ва Тошкент область касаба союзлари советининг ёрлиқлари ҳамда қиммат баҳо мукофотлар билан тақдирланадилар. Эстафета 30 майгача давом этади.

Т. ЗУФАРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН САМБОЧИЛАРИ СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН КУРАШАДИЛАР

Ўзбекистон самбочилари 28 мартда Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар. Улар самбо кураши бўйича СССР биринчилиги учун бўладиган мусобақада қатнашиб, республика спорт шарафи учун курашадилар. Ватанимиз пойтахтига кетганлар орасида самбочилардан Алимов, Анорбоев, Жумаев, Отажонов, Владимир Ким, Титов, Амплиев, Марков ўртоқлар бор.

Мусобақа 1 апрелда бошланиб, 9 апрелгача давом этади.

А. КИМ.

ФУТБОЛ

ИККИНЧИ ҒАЛАБА

Ўтган якшанба куни Тошкентда «Меҳнат резервлари» (Тошкент) ва «Қайрат» (Олмаота) командалари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлди. Ўйин бошданоқ қизғин тус олди. Тошкентлик В. Соловьев биринчи таймнинг 15-минутида ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Танаффусга бир неча минут қолганда меҳнатчиларнинг марказий ҳужумчиси Петрушенко меҳмонлар дарвозасига иккинчи тўпни киритишга муваффақ бўлди. Иккинчи таймда ҳам тошкентликлар ташаббусни қўлдан бермайдилар. Учрашувда «Меҳнат резервлари» командаси 4:1 ҳисоби билан голиб чиқди.

Л. ПЬЯНЦЕВ.

Телевизор экранида

31 МАРТДА

12.00. Ҳужжатли фильм.
19.30. Кичкинтойлар учун «Мурзик ва Черниш» деган қўғирчоқ спектакли.
19.50. Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш.
20.05. «Аҳолини кимёвий ҳужумдан ҳимоя қилиш» деган ҳужжатли фильм.
20.55. «Симфоник оркестр чолғу асбоблари» деган иккинчи музикали эшиттириш.
21.15. Киножурнал.
21.25. Сўнгги ахборот.
21.45. «Совет ёзувчиларининг ҳикоялари экранда» деган цикла эшиттириш. Катаевнинг «Халқалар» номли ҳикояси асосида қисқа метражли фильм.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Жазоир ҳафталиги

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг қарорига мувофиқ, СССР да 30 мартдан 7 апрелгача «Жазоир ҳафталиги» ўтказилади. Ана шу кунларда совет кишилари эрксевар Жазоир халқини яна ҳимоя қилиб чиқадилар. Француз мустамлакачилари тўрт ярим йиллан бери Жазоир халқига қарши шиддатли мустамлакачилик уруши олиб бормоқдалар.

Жазоирдаги уруш ҳаракатлари тобора кўпроқ конли урушга айланмоқда. Яқинда Жазоирга борib келган Англия парламенти аъзоси Кроссмэн «Нью стейтсмен» журналида бундай деб ёзади: Француз мустамлакачилари Жазоирдаги миллий озодлик ҳаракатини бостириш учун энг қаттиқ чораларни кўрмоқдалар. Масалан, француз ҳарбий маъмурлари ўз контроллари остидаги аҳоли яшайдиган бирор пунктда кўзгалончилар борлигини билиб қолсалар, улар аҳолига тегишли райондан тамомила кўчиб кетиш ҳақида дарҳол буйруқ берадилар. Расмий маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда ўзларининг турган жойларидан ҳайдаб юборилган 600 минг деҳқон Жазоир бўйлаб сарсон-саргардон бўлиб юрмоқда Бироқ, деб таъкидлайди Кроссмэн, «ҳақиқатда бундай деҳқонларнинг сони бир миллион кишига етади».

Швейцарияда чиқаётган «Ди тат» газетасида яқинда бир хужжат пайдо бўлди. Бу ерда гап Жазоирда чет эл легиони деб аталган легион составида французлар армияси томонида жангларда қатнашган швейцарияликлар бир ёш йигитнинг ҳикояси ҳақида бормоқда. Собиқ легионернинг ҳикоя қилишича, облавалардан бири вақтида битта кишилоқ қуршаб олинган. Бу қишлоқда фақат хотин-қизлар ва болаларгина бўлган. Шунга қарамай, солдатлар тинч аҳолидан қаттиқ ўч олганлар. Уйлардан бирида улар кекса аёлни ва тахминан бир яшар бир қизни қўлга олганлар. Легионер сурбетлик билан бундай деди: «Капитанинг буйруғига мувофиқ, мен қизчани отиб ташладим... Бяз кўпинча уйларда фақат хотин-қизларнигина топар эдик. Аммо капитаннинг — немис Больманнинг буйруғига биноан уларни отиб ўлдирар эдик».

Жазоир миллий озодлик армиясининг қўмондони 24 январда баёнот эълон қилган эди. Баёнотда айтилишича, Жазоир ватанпарварлари аҳоли яшайдиган Балерна, Борг Алгадир, Акбо ва Тамжал пунктлари яқинида мустамлакачилар томонидан ўлдирилган болалар, хотин-қизлар ва эркакларнинг жасадлари билан тўлган чуқурлар топганлар..

Лекин озодлик ва мустақилликка эришишга қатъий бел боғлаган қаҳрамон Жазоир халқини ҳеч қандай шафқатсизликлар билан қўрқитиб бўлмайди. Жазоирда уруш бошланган 1954 йилнинг охирида мустамлакачиларнинг қўшинларига қарши курашда ватанпарварларнинг жамъи 2-3 минг кишидан иборат тарқоқ отряддари қатнашган бўлса, ҳозирги вақтда ярим миллион кишилик француз армиясига қарши ўз шахсий составида 150 мингчага солдат ва офицерлари бўлган Жазоир миллий озодлик армияси курашмоқда. Бу армиянинг кучини шу фактнинг ўзи кўрсатиб турибтики, у ҳозиргача Жазоир территориясининг 2/3 қисмини мустамлакачилардан озод қилди.

Озод қилинган территорияда Жазоирни озод қилиш миллий фронтининг маъмурияти иш кўрмоқда. Жазоирни озод қилиш миллий фронти ватанпарварларнинг етакчи сиёсий ташкилоти бўлиб, 1958 йил сентябрида Жазоир Республикасини эълон қилган эди. Жазоир мустақил давлатини бир қанча мамлакатлар, шу жумладан Хитой Халқ Республикаси ва кўпчилик араб мамлакатлари таниди.

Жазоир Республикасининг мувақкат ҳукумати Жазоир проблемасини Жазоир халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эътироф этиш ҳақида тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида Франция ҳукумати билан бевосита музокаралар олиб боришга тайёр эканлигини айтди. Бироқ, Жазоир ҳукуматининг ва Жазоирни озод қилиш миллий фронтининг тинчлик йўлидаги ташаббуси шу вақтгача Франция мустамлакачиларининг қаттиқ қаршилигига duч келмоқда.

Жазоир проблемаси шундай бир масала бўлиб қолдики, кейинги йилларда Францияда ўтган ҳукуматларнинг ҳаммаси шу масалада мушкул аҳволга тушиб қолди. 1954 йилдан 1959 йилгача almaшинган 8 ҳукуматдан 5 таси бевосита ёки билвосита Жазоирда мустамлакачилик сиёсати юргизганлиги учун туширилди. Франциянинг ҳукмрон доиралари Жазоирлаги урушга жуда кўп маблағ — 3.500 миллиард франк сарф қилдилар. Бу уруш Франция хазинасини бўшатиб қўйиб, ҳукуматни бир неча марта чет элдан, асосан Америкадан ва Ғарбий Германиядан карз олишга мажбур қилди. Бу эса Парижни Вашингтонга ва Боннга кўпроқ қарам қилиб қўйди. Иккинчи томондан, Франциядаги ҳукмрон доиралар ҳарбий харажатларнинг ўсиши билан боғлиқ асосий қийинчиликларни меҳнаткашлар устига ағдаришга ҳамма йўллар билан ҳаракат қилмоқдалар. Францияда нархнавонинг ўсаётганлиги ва солиқларнинг кўпайтирилаётганлиги, социал таъминот ҳисобига «тежаш» бўлаётганлиги, уй-жой қурилишининг камайтирилаётганлиги — ана шуларнинг ҳаммаси Жазоирдаги авантюра оқибатидир.

Жазоирдаги уруш Франциядан кўп минглаб кишиларнинг ўлимига сабаб бўлмоқда. Бу муддиш «қон солиғи»нинг аниқ рақами маълум эмас, чунки француз маъмурлари ҳарбий маълумотларни қаттиқ цензурадан ўтказмоқдалар. Лекин қонли жангларнинг бир минут ҳам тўхтамай давом этаётганлиги кўп нарсадан дарак бериб турибди!

Жазоирдаги уруш яна бир оғир оқибатга ҳам олиб келди. Бу уруш Францияда реакцион унсурларнинг активлашуви учун қулай шароит яратиб берди ва 13 майда республикага қарши фитна уюштириш учун имкон берди. Бу фитна натижасида энг ўнг партиялар — «Янги республикани ҳимоя қилиш иттифоқи» ва «мустақиллар» партиялари ҳокимият тепасига чиқиб олдилар.

Кейинги вақтларда Жазоирга янги ҳарбий қисмлар юборишга тайёргарлик кўрилаётганлиги тўғрисида кўп овозалар тарқалмоқда. Тўла ғалабагача уруш! деган шиор яна майдонга ташланмоқда. Яқинда Жазоирга борib келган бош министр Дебреннинг айтишига кўра, Франция ҳукумати Жазоир халқи миллий озодлик ҳаракатининг барча кўринишларини бутун бўён ҳам қуролли куч билан бостириш ниятидадир

Жазоирдаги уруш Жазоир халқини қирмоқда ва француз миллатини ҳонавайрон қилмоқда. Охири кўринмаётган бу уруш Франция жамоатчилигининг кенг доираларида катта ташвиш туғдирмоқда. Юзлаб митинг ва йиғилишларда, атоқли сиёсий ва жамоат арбобларининг нутқларида, кўпгина коллектив илтимосномаларда француз халқи Жазоир фожиасига хотима берилишини талаб қилмоқда. Жамоатчилик фикри институти томонидан шу йил февраль ойида ўтказилган фикр сўраш вақтида французларнинг 63 процента Жазоирда дарҳол тинчлик ўрнатилишига ва Жазоир миллий озодлик фронти билан музокаралар олиб борилишига тарафдор эканлигини билдирди. Яқинда бўлиб ўтган муниципал сайлов натижалари ҳам катта ҳаҳмиятга эга: «Либерасьон» ва «Эко» газеталари кўп сайловчиларнинг ҳукмрон партиялардан узоқлашаётганлигига сабаб шуки, улар жумладан Жазоирда тинчлик ўрнатиш тўғрисиларги ваъдаларини бажармаётган ҳукуматнинг сиёсатидан умид узганлар, деб таъкидлайдилар.

Жаҳонгаги бутун тараққийпарвар жамоатчилик Жазоирда урушнинг тўхтатилишини талаб этмоқда. Жаҳон касаба союзлари федерацияси, Жаҳон демократик ёшлар федерацияси, халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси Жазоирда қон тўкилишига хотима берилишини талаб қилмоқдалар. Африка халқларининг 1958 йил декабрида бўлиб ўтган конференцияси резолюцияларида ҳам ана шундай талаблар ёзилган. Жазоир масаласи БМТ Бош Ассамблеясининг кун тартибидан ҳам тушгани йўқ.

Франциядаги ҳукмрон доираларга юз миллионлаб кишиларнинг иродасини эътиборга олмаслик тобора қийин бўлаётир. Шу билан бирга Жазоир масаласини қувол кучи билан ва тўмтоқ ислоҳотлар билан ҳал этиш мумкин эмаслиги тобора равшан бўлаётир . Жазоир масаласини ҳал этишнинг фақат бир йўли бор, у ҳам бўлса Жазоир халқининг чинакам вакиллари билан Жазоир халқининг озодлик ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эътироф этиш асосида тинч музокаралар олиб бориш йўлидир. Франциядаги ҳукмрон доиралар эрта ёки кеч шу йўлга киришга мажбур бўладилар.

Г. ДРАГУНОВ, А. КРАСИКОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — /III да кундуз **Юрак ёнмоғи рак**, кечқурун **Алишер Навоий**,

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТР-Д — 31/III да кундуз **Жизель**, кечқурун **Флория Тоска**, 1/IV да кундуз **Маскарад**, кечқурун **Майванинг иши**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР-Д — 1/IV да **Олтин кўл**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-Д — 1/IV да кундуз соат 1 ва кеч 8 да РСФСР халқ артисти **И. Бугаева** кўл остидаги **«10 арслон»** аракционининг **хайрлашув гастللари**. 2/IV дан кундуз соат 1 ва кеч 8 да **Т. Дурованнинг** ўргатган ҳайвонлари билан гастроли. 5/V да **уч марта тамоша** кўрсатилади (кундуз соат 1,4 ва кеч 8 да).

ВАТАН» — кундуз ва кечқурун кенг экранли фильм **Биринчи ранг капитан**.

«ИСКРА» — кундуз янги кино повесть **Осмон қуши**, кеч соат 5 да **Мексика осмони тагида**, кеч 6-20 минут, 8-40 минут ва 9 ярим да **ЧП (фавқулодда ҳодиса)** — 1 ва 2-серия.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Кеккайган генерал**, кундуз 11-45 минут ва 1 ярим да **Сашко**, кундуз 3-15 минут, кеч 5 ва 6-35 минутда янги киноповесть **Кўк уфқ**, кеч 8-10 минут ва 10-10 минутда **Бу — Донбассда бўлган эди**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — эрталаб соат 10, кундуз 12 да **Сашко**, кундуз 2, 4 кеч 6 ва 8 да **Осмон қуши**, кеч 10 да **ЧП(фавқулодда ҳодиса)** — 1 ва 2- серияси.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34, РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808. 136, Саноат қурилиши бўлими 136 Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34041132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими— 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-1562.